2020 йил 25 январдан чиқа бошлаган

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН

Миллий тикланишдан - миллий юксалиш сари

Ижтимоий-сиёсий газета

№ 255 (777), 2022 йил 15 декабрь, пайшанба

www.yuz.uz yuz.uznews yuz_official yuz.uz_news

МИЛЛИЙ АВИАКОМПАНИЯНИ ТРАНСФОРМАЦИЯ ҚИЛИШГА ОИД ТАКЛИФЛАР КЎРИБ ЧИҚИЛДИ

Президент Шавкат Мирзиёев 14 декабрь куни “Uzbekistan airways” акциядорлик жамиятини трансформация қилишга оид таклифлар тақдимоти билан танишди.

Давлатимиз раҳбарининг 2021 йил 30 апрелдаги қарорида фуқаро авиацияси корхоналарини трансформация қилиш бўйича вазифалар белгиланган эди. Бу борада илғор хорижий тажриба ўрганилмоқда, етук консультантлар жалб этилмоқда.

Хусусан, “Uzbekistan airways” акциядорлик жамиятини ислоҳ қилиш бўйича туркиялик мутахассис Илкер Айжи жамоаси билан иш олиб борилмоқда. У “Турк ҳаво йўллари” авиакомпаниясини бошқарган кезда уни минтақавий даражадан глобал миқёсга муваффақиятли олиб чиққан.

Бугун “Uzbekistan airways” олдига ҳам шундай вазифа қўйилган. Мамлакатимизнинг географик жойлашуви ва соҳа инфратузилмасидан оқилона фойдаланиб, уни халқаро транспорт хабига айлантириш кўзда тутилган.

Тақдимотда давлатимиз раҳбарига “Ўзбекистон ҳаво йўллари”ни трансформация қилиш ва ривожлантириш бўйича ишлаб чиқилган стратегия ҳақида ахборот берилди.

Унга мувофиқ, авиакомпанияга халқаро тажриба асосида корпоратив бошқарув тизимини жорий этиш, ҳаво кемаларини кўпайтириш, хизматлар сифатини ошириш ва юк ташиш тармоғини кенгайтириш чоралари кўрилади. Хорижий инвесторларни жалб этган ҳолда авиакомпанияни жаҳон стандартлари асосида хусусийлаштириш ишлари якунига етказилади.

Булардан кўзланган асосий мақсад “Ўзбекистон ҳаво йўллари”ни етакчи минтақавий авиакомпанияга айлантириш, шунингдек, аҳолининг маҳаллий ва халқаро йўналишларда арзон нархларда ҳаракатланишини таъминлашдан иборатдир.

Президентимиз бу режаларни маъқуллаб, унинг ижросига тезроқ киришиш кераклигини таъкидлади.

— Бу соҳада ўн йилга кечикканмиз. Авиакомпания эскича услубда ишлаяпти, йўловчилар хизмат сифатидан рози эмас. Агар иқтисодиётимизни, туризмни ривожлантирамиз десак, яккаю ягона йўлимиз шу, — деди Шавкат Мирзиёев.

Авиакомпанияда лойиҳа офиси тузиб, трансформация жараёнини мувофиқлаштириб бориш бўйича тавсиялар берилди.

ЎзА

ДОЛЗАРБ МАВЗУ

БОЗОРНИ СИФАТЛИ, ХАВФСИЗ ВА АРЗОН ОЗИҚ-ОВҚАТ МАҲСУЛОТЛАРИ БИЛАН ТЎЛДИРИШ

МАМЛАКАТНИ БОЙ, ХАЛҚНИ РОЗИ ҚИЛАДИ

Бугун глобал миқёсда иқлим ўзгариши озиқ-овқат ишлаб чиқариш ва сифатининг айрим жиҳатларига, нарх ва етказиб бериш тизимларига таҳдид солиши кутилмаларига эътибор қилишни талаб қилмоқда. Об-ҳаво ўзгариши, сув танқислиги, чўлланиш даражаси ортиши, бегона ўтлар ва зараркунандалар таъсири кўплаб экинлар ҳосилдорлиги пасайиши, чорвачилик ва балиқ етиштириш қисқаришига туртки беряпти. Натижада озиқ-овқат билан боғлиқ нархлар бунга жавобан ўсишига сабаб бўлади. Мослашув тадбирлари озиқ-овқат хавфсизлиги билан боғлиқ кутилаётган баъзи муаммоларнинг соғлиққа таъсирини камайтириши мумкин.
Ушбу мавзуда иқтисодчи экспертлар фикрларини ёзиб олдик.

Давоми 3-бетда

ТАҲЛИЛ ВА ТАҚҚОС

ЭРКИН РАҚОБАТ ПЛАТФОРМАЛАРИ

Отанг бозор, онанг бозор. Бир қарашда анчайин эриш туюлган ушбу иборада бозор ва бозор муносабатларига хос хусусиятлар, барча нарсанинг бозорга боғлиқ экани халқчил ифода этилган. Олимлар фикрича, бунда нарх масаласи, талаб ва таклиф қонуни элементлари бор. Умуман олганда, азал-азалдан халқимиз бозор муносабатлари доирасида фаолият кўрсатиб келган, мустақиллик йилларида бу анъаналар янгича талқинда яна ҳаётга қайтяпти. Эркин, шаффоф ва инновацион технологияларга асосланган бозор воситалари беминнат дастёрга айланмоқда.

Давоми 4-бетда

ЁШЛАРГА ОИД ДАВЛАТ СИЁСАТИ

МАКТАБДАН КАСБГА ЙЎНАЛТИРУВЧИ ТИЗИМ

мустақил ҳаётга дадил қадам қўйишга ёрдам беради

Янги Ўзбекистоннинг 2022–2026 йилларга мўлжалланган тараққиёт стратегиясида умумтаълим мактаблари касб ўрганиш истагидаги битирувчиларининг давлат томонидан камида бир касбни эгаллашига кўмаклашувчи тизимни жорий этиш вазифаси белгиланган. Ана шу топшириқ ижросини таъминлаш мақсадида кўрилаётган чора-тадбирлар ўқувчиларнинг муайян касб ўрганиб, махсус малакага эга, рақобатбардош кадр бўлиб етишишига хизмат қилади. Зеро, иқтисодиёт барқарорлиги, барча соҳаларда ривожланган давлатлар билан беллаша олиш ҳам меҳнат бозоридаги кадрларнинг салоҳиятига боғлиқ. Бундай кадрлар эса, энг аввало, мактабда шаклланади.

Давоми 5-бетда

МУНОСАБАТ

ҚИШ ҚИШЛИГИНИ ҚИЛАДИ, БИЗ ЎЗ ИШИМИЗНИ СИДҚИДИЛДАН БАЖАРИШИМИЗ КЕРАК

Юртимизда куз-қиш мавсумида истеъмолчиларнинг автобензин маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини ўз вақтида таъминлаш, нархларни барқарорлаштириш ҳамда аҳолининг ортиқча сарф-харажатларини қисқартиришга алоҳида аҳамият берилмоқда. Президентимиз жорий йил 12 декабрь куни имзолаган “Куз-қиш мавсумида истеъмолчиларни автобензин маҳсулотлари билан узлуксиз таъминлаш ва уларнинг нархлари кескин ошишининг олдини олиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорида ана шу мақсадга эришишнинг асосий вазифалари ўз ифодасини топган.

Давоми 2-бетда

УСМОН НОСИР ТАВАЛЛУДИНИНГ 110 ЙИЛЛИГИГА

УСМОНИНИ УНУТМАГАН ЮРТ

Қазо келса қозини ҳам аямас экан. Етмиш тўрт йил ер куррасининг олтидан бир қисмида ойболта кўтариб, от ўйнатган, миллион-миллион бегуноҳ жонларнинг уволига қолган қизил салтанатнинг ўзи ҳам таназзулга учради. Шўро империяси барбод бўлиб, истиқлол офтоби порлаганига ўттиз йилдан ошди. Аммо бу мустабид тузум мазлум халқларга етказган жароҳатлар битган эмас. Президентимиз шу йил 31 август куни мамлакатимиз пойтахтидаги “Шаҳидлар хотираси” хиёбонига ташриф буюрганида “Мустақилликка эришиш осон бўлмаган. 100 минг ватандошимиз қатағонга учраб, 13 минг нафари шафқатсиз отиб ташланган. Улар энг катта қаҳрамонларимиз, миллатнинг хазинаси бўлган. Бу ерда худди уларнинг овозлари эшитилгандек бўлади!” деди. Ўша қонли террор пайтида миллат зиёлиларининг гуллари шафқатсизларча юлиб ташланди.

Давоми 6-бетда

www.yuz.uz | yuz.uznews | yuz_official | yuz.uz_news

ИНТЕРВЬЮ

Пўлат БУЛБУЛ ўғли:

ЎЗБЕКИСТОНДАГИ ИСЛОҲОТЛАР КЕНГ ЭЪТИРОФГА ЛОЙИҚ

Пойтахтимиз мезбонлик қилган МДҲ ижодий ва илмий зиёлиларининг XV форуми томонларнинг ўзаро ҳамкорликка бўлган қатъий ишонч ва интилишини яна бир карра яққол намоён этди. Маданий ва маърифий алоқаларга катта туртки берадиган ушбу нуфузли анжуман доирасида МДҲ Гуманитар ҳамкорлик бўйича давлатлараро фонди бошқаруви раиси, Гуманитар ҳамкорлик кенгашида Озарбайжон Республикаси вакили, Озарбайжон Республикасининг Россия Федерациясидаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Пўлат Булбул ўғли билан суҳбатлашиб, форумнинг аҳамияти, Ўзбекистондаги ислоҳотлар ва ўзбек-озар халқлари муносабатлари ҳақидаги фикр-мулоҳазалари билан қизиқдик.

— Аввало, ушбу форумни юксак савияда ташкил этишга катта эътибор қаратгани учун Ўзбекистон Президентига, Маданият вазирлигига алоҳида миннатдорлик билдирмоқчиман, — дея сўз бошлади Пўлат Булбул ўғли. — “Гуманитар ҳамкорлик: ўттиз йиллик тажриба ва ривожланиш истиқболлари” мавзусига бағишланган анжуман доирасида маданият ва санъат, фан ва таълим, адабиёт соҳалари ва ёшлар масалаларига оид алоҳида мавзулар бўйича кечган мунозаралар мазкур йўналишларда фикр ва тажриба алмашиш, истиқболдаги ўзаро манфаатли ҳамкорлик имкониятларини белгилаш, янги ғоя ҳамда лойиҳаларнинг бошланишига катта замин яратишига ишонаман. Зеро, бугунги давр ҳамжиҳатлик ва ўзаро манфаатли шерикликни янада кенгайтиришни тақозо қилмоқда.

Бевосита Ўзбекистондаги ислоҳотлар жараёни хусусида тўхталадиган бўлсам, мамлакатингиз узоқни кўра биладиган, ижодни қўллаб-қувватлайдиган етакчи — Президент Шавкат Мирзиёев бошчилигида улкан муваффақиятларни қўлга киритмоқда.

Мен ушбу ташрифим мобайнида кўплаб янгиликлардан бохабар бўлиб, катта таассурот олдим. Мисол учун, Ўзбекистонда ёшлар масаласига давлат сиёсати даражасида аҳамият қаратилиб, узлуксиз таълим-тарбия тизимининг барча босқичларини уйғун ва мутаносиб ривожлантириш бўйича амалга оширилаётган саъй-ҳаракатлар эътирофга лойиқ.

Хусусан, болаларни мактабгача таълим билан қамраб олиш даражасини ошириш, мактаб таълими ҳамда олий таълим тизимини ислоҳ қилиш борасида эришилаётган ютуқлар танланган йўлнинг нақадар тўғри эканини яққол ифодалайди.

Кейинги йилларда Ўзбекистонда олий ўқув муассасалари сони қарийб 2,5 баробар кўпайгани, ёшларни олий таълим билан қамраб олиш даражаси 9 фоиздан 38 фоизга ошгани ҳам жуда катта натижадир.

Мамлакатдаги ижтимоий муаммоларни ҳал этиш бўйича “Темир дафтар”, “Аёллар дафтари”, “Ёшлар дафтари” каби ўзига хос тизим яратилгани мен учун мутлақо янгилик бўлди. Давлат мана шу тизим орқали, жумладан, ёшларнинг муаммоларини ўрганиб, уларни самарали ҳал этиш чораларини кўраркан.

Қолаверса, магистратура босқичига тўлов-контракт асосида қабул қилинган ва таълим олаётган хотин-қизларга шартномадаги маблағ давлат томонидан тўлаб берилаётгани катта ғамхўрликдир. Булар, албатта, эътирофга лойиқ.

— Сиз Озарбайжонда маданият вазири бўлиб ишлагансиз, қатор давлатларда эътироф этилган композитор, санъатшунослик фанлари доктори, профессор сифатида ҳам кўпчиликка яхши танишсиз. Демоқчи бўлганим, мазкур соҳани жуда яхши тушунасиз. Шу маънода, Ўзбекистонда маданият ва санъат соҳасини ривожлантириш борасидаги ислоҳотлар хусусида нималар дея оласиз?

— Буюк ипак йўли чорраҳасида жойлашган Ўзбекистон қадимий цивилизация бешикларидан биридир. Бу заминдан инсоният тамаддунига улкан ҳисса қўшган ёркин намояндалар етишиб чиққан.

Бугун мамлакатингизда аждодлар меросини қадрлаб, улар қолдирган ноёб санъат намуналарини янада чуқурроқ ўрганиш, кенг тарғиб қилиш, ёшларни санъатга ошно этиш борасида олиб борилаётган ишлар диққатга сазовор.

Мен бу ўринда Президент Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан Халқаро мақом санъати анжуманини ўтказиш йўлга қўйилганини алоҳида эътироф этган бўлардим. Бу тарихий ташаббус, деб биламан. Чунки мақом Шарқнинг ноёб санъатидир.

Миллий мақом санъати маркази, Ўзбек миллий мусиқа санъати институти ташкил этилгани, мақом ансамбллари фаолият кўрсатаётгани ушбу бетакрор жанрни асраб-авайлаш ва келгуси авлодларга безавол етказишга хизмат қилади.

Ўзбекистон мақом усталари, қўшиқчиларининг Озарбайжонда муғом санъати бўйича ўтказиладиган халқаро фестивалларда фаол иштирок этиб, ғолиб ва совриндорлар сафидан жой олаётгани ҳам бежиз эмас. Бу улуғ аждодларга муносиб авлодлар борлигидан дарак беради.

Мен Ўзбекистон давлат консерваториясида ёшлар учун яратилган шароитлар билан яқиндан танишдим, профессор-ўқитувчилар, талабалар билан суҳбатлашиб, катта таассурот олдим. 85 йиллик тарихга эга бу даргоҳдан етишиб чиққан кўплаб санъаткорлар халқаро миқёсда ҳам машҳур.

Менга давлат раҳбари ташаббуси билан ишлаб чиқилган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси ҳақида ҳам сўзлаб беришди. Унда маданият ва санъат соҳаларини янада ривожлантириш, ижодкорларни қўллаб-қувватлаш бўйича катта мақсадлар белгилаб олингани алоҳида эътиборга молик.

Умуман, Президент Шавкат Мирзиёев бошчилигида кўп миллатли Ўзбекистон халқининг маданий тараққиёти йўлида рўй бераётган янгиликлардан чин дилдан қувонамиз.

— Шу ўринда, ўзбек-озар халқлари ўртасидаги муносабатларга ҳам тўхталиб ўтсангиз.

— Ўзбекистон ҳақида гапирганда, айтишим мумкинки, бу юрт, унинг бағрикенг халқи билан алоқаларимиз эндигина йўлга қўйилган эмас. Бизнинг маданий алмашинувимиз қадимдан мавжуд.

Мен Ўзбекистонга фақат расмий шахс ўлароқ эмас, балки бу замин билан ўзига хос қардошлик, самимий қадрдонлик ришталарига эга инсон сифатида ташриф буюрдим.

Отам собиқ иттифоқ халқ артисти бўлган. У кўп қиррали санъаткор эди. Бир қанча халқлар қўшиқларини ижро этган, муғомлар куйлаган, опера жанрида баракали ижод қилган. Ўтган асрнинг 40-50-йилларида машҳур ижодкор Узейр Гажибековнинг “Гўрўғли” операси яратилди. Мазкур асар отам учун махсус ёзилган бўлиб, ундаги бош ролни айнан у ижро қилган.

Нима учун буни эслаяпман? Гап шундаки, ушбу опера Ўзбекистонда, Алишер Навоий номидаги опера ва балет театри (*ҳозирги Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон давлат академик катта театри*)да саҳнага қўйилган. Отам шу сабаб Тошкентда ойлаб яшаган. Ўша даврда биз шаҳарлараро телефон станциясида соатлаб навбат кутиб, отам билан кунора суҳбатлашардик. Телеграмма орқали хабарлашардик. Биласиз, у пайтларда бундан бошқа алоқа воситалари йўқ эди.

> **МЕНГА ДАВЛАТ РАҲБАРИ ТАШАББУСИ БИЛАН ИШЛАБ ЧИҚИЛГАН ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОННИНГ ТАРАҚҚИЁТ СТРАТЕГИЯСИ ҲАҚИДА ҲАМ СЎЗЛАБ БЕРИШДИ. УНДА МАДАНИЯТ ВА САНЪАТ СОҲАЛАРИНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШ, ИЖОДКОРЛАРНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ БЎЙИЧА КАТТА МАҚСАДЛАР БЕЛГИЛАБ ОЛИНГАНИ АЛОҲИДА ЭЪТИБОРГА МОЛИК.**

Тошкентдаги ижодий сафари хусусида отам бизга кўп гапириб берарди. Бу ерда таниқли опера дарғалари билан биргаликда ижод қилгани, улар билан ҳаётининг сўнггига қадар қадрдон бўлгани ҳақида фахрланиб сўзларди.

Мен бетакрор санъаткор Ботир Зокировнинг “Араб тангоси”ни жуда ҳам ёқтирганман. Кейинчалик биз бу улуғ ижодкор билан яқиндан танишдик, дўстлашдик. Ўзим ҳам санъаткор бўлдим, Ботир Зокиров билан телевидениеда кўплаб дастурлар, кўрсатувларни биргаликда олиб бордим. Қисқаси, қадрдон бўлиб кетдик. Бу ришта унинг вафотидан кейин тўхтаб қолгани йўқ — мен Фаррух Зокиров билан дўстлашдим, ижодий ҳамкорлик қилдим. Бугунги кунгача муносабатларимиз давом этмоқда.

> **ОТАМ СОБИҚ ИТТИФОҚ ХАЛҚ АРТИСТИ БЎЛГАН. У КЎП ҚИРРАЛИ САНЪАТКОР ЭДИ. БИР ҚАНЧА ХАЛҚЛАР ҚЎШИҚЛАРИНИ ИЖРО ЭТГАН, МУҒОМЛАР КУЙЛАГАН, ОПЕРА ЖАНРИДА БАРАКАЛИ ИЖОД ҚИЛГАН. ЎТГАН АСРНИНГ 40-50-ЙИЛЛАРИДА МАШҲУР ИЖОДКОР УЗЕЙР ГАЖИБЕКОВНИНГ “ГЎРЎҒЛИ” ОПЕРАСИ ЯРАТИЛДИ. МАЗКУР АСАР ОТАМ УЧУН МАХСУС ЁЗИЛГАН БЎЛИБ, УНДАГИ БОШ РОЛНИ АЙНАН У ИЖРО ҚИЛГАН.**

1986 йилда Ўзбекистондаги театрда “Қўшиқларимга ишон” мусиқали асарим қўйилди. Тақдимотда қатнашдим. Ўзбек санъаткорлари ижросини кўриб, рости, тўлқинланиб кетдим. Биласизми, бу жуда ёқимли туйғу. Мен ёзган қўшиқларни ўзбек эстрадасининг кўплаб ижодкорлари куйлаган, шу жумладан, Мансур Тошматов ҳам.

Умуман, Тошкентга кўп бор келганман. Бу шаҳарга неча марта ташриф буюрган бўлсам, ҳамиша ўзбек халқининг самимий, илиқ муносабатию қайноқ меҳрини ҳис қилганман.

Халқаро туркий маданият ташкилотида ишладим, кейинчалик маданият вазири бўлдим. Бу вақтларда ҳам Ўзбекистон, Тошкент билан ижодий ҳамкорлигимиз давом этди. Сўнгги йилларда, айниқса, халқларимиз маданий алоқаларида жонланиш, фаоллик кузатилмоқда.

Мана, ушбу форум баҳонасида шу кунларда яна Тошкентга келиш насиб этди. Пандемия туфайли уч йилдан буён юзма-юз кўришолмаган қадрдонлар билан учрашдим. Бу учрашув қишнинг қаҳратон совуқ кунларига тўғри келди. Аммо меҳр қайноқ, қалблар яқин. Ишонаманки, бу учрашув икки халқ санъати юксалишига, янги-янги истеъдодларни кашф этишга, ёркин уфқларни забт этишга хизмат қилади.

Сўзимнинг охирида қардош ўзбек халқига улкан ҳурмат ва самимий меҳрим ва эҳтиромимни изҳор этаман. Эзгу ва хайрли ишлар бошида турган Шавкат Мирзиёевга алоҳида миннатдорлик билдираман.

Маданият ва санъатга юксак даражада аҳамият қаратаётган, ўғил-қизларини миллий руҳ, бой қадриятлар асосида тарбиялаётган давлат ҳар томонлама тараққий этиб бораверади. Мен бу борада қардош Ўзбекистон халқига улкан зафарлар ёр бўлишини тилайман.

Шавкат ОРТИҚОВ,
Орифжон ФАЙЗИЕВ
суҳбатлашди.

МУНОСАБАТ

ҚИШ ҚИШЛИГИНИ ҚИЛАДИ, БИЗ ЎЗ ИШИМИЗНИ СИДҚИДИЛДАН БАЖАРИШИМИЗ КЕРАК

Меҳриддин АБДУЛЛАЕВ,
“Ўзбекнефтгаз” АЖ
бошқаруви раиси

Бошланиши 1-бетда

Қарорга кўра, 2022 йил 10 декабрдан 2023 йил 1 мартга қадар импорт қилинадиган, маҳаллий корхоналар ишлаб чиқарадиган ва тадбиркорлик субъектлари томонидан якуний истеъмолчиларга сотиладиган АИ-80 русумли автобензин маҳсулоти учун, истисно тариқасида, акциз солиғини “ноль” ставкада қўллашга рухсат берилди. Бунинг натижасида АИ-80 бензинининг чакана нархларини жорий нархларга нисбатан ўртача 19 фоизга тушириш имконияти яратилди. Акциз солиғининг вақтинчалик бекор қилиниши натижасида аҳоли ва тадбиркорлар ихтиёрида 213,7 миллиард сўм қолиши кутилмоқда.

Бундан бир ҳафта олдин Президент Администрациясида ўтказилган йиғилишда биржа сотувларига қўйилаётган АИ-80 бензинининг кунлик ҳажмини ошириш, нарх ошиши бошланғич нархнинг 5 фоизидан ортиқ бўлмаслигини таъминлашга қарор қилинган эди. Истеъмолчилар талаблари ўрганилиб, эҳтиёжни қондириш мақсадида 13 декабрь куни 37 425 тонна АИ-80 автобензин биржа савдоларига қўйилди ва тўлиқ сотилди. Бунда, ҳар бир тонна маҳсулот учун ягона нарх 6 миллион 295 минг сўмдан шаклланди (4 721 сўм/литр). Айни пайтда АИ-80 русумли автобензиннинг жорий нархи 1 минг 100 сўмга арзонлаб, жамиятимизга қарашли АЁҚШларда 5 минг 700 сўмдан сотилиши тўлиқ йўлга қўйилди.

Истеъмолчилар талабидан келиб чиқиб, Бухоро нефтни қайта ишлаш заводида суюлтирилган газ ишлаб чиқариш ҳам 14 минг 532 тоннадан 15 минг 700 тоннага оширилмоқда. Ўз навбатида, ишлаб чиқарилган суюлтирилган газни истеъмолчиларга етказиб беришда темир йўл вагонларидан ташқари автоцистерналардан ҳам фойдаланилмоқда.

Бундан ташқари, ўрганишлар натижасида аниқланган истеъмолга бўлган талаб ортаётган ҳудудларга, Тошкент шаҳри ҳамда Тошкент вилоятидаги АЁҚШларга “Чинобод нефть базаси” МЧЖ орқали кунига 1 минг 350 тоннадан, шу жумладан, “UNG Petro” МЧЖга 1 минг 200 тонна ушбу маркали автобензин қўшимча равишда етказиб берилмоқда.

“Ўзбекнефтгаз” АЖ томонидан 14 декабрь куни АЁҚШлар кесимида мониторинг ишлари олиб борилди ва тақчиллик, етишмовчиликнинг олдини олиш учун биржа савдоларига қўшимча 4750 тонна АИ-80 автобензини сотувга қўйилди. Тасарруфдаги нефть базалари орқали истеъмолчиларга жами 4212 тонна мазкур маркадаги ёнилғи етказиб берилди. Айни пайтда уларда 22,8 минг тонна автобензин захираси мавжуд.

АЁҚШларда автотранспорт воситаларига навбат билан маҳсулот қуйиш, уларга белгиланган тартибда хизмат кўрсатиш, маҳсулотларни ностандарт идишларга қуймаслик, таъминотда узилишлар бўлмаслиги, харидорлар билан мулоқотда одоб ва ахлоқ қоидаларига амал қилиш қатъий назорат қилинмоқда.

Мамлакатимизда бензин тақчиллиги йўқ, унинг барқарор таъминоти мавжуд, хомашёларнинг кўзда тутилган импорт қилиш ҳажмлари барқарор давом этмоқда. Жумладан, нефтни қайта ишлаш заводлари томонидан 76,1 минг тонна хомашё захираси яратилган ва уни доимий равишда тўлдириб бориш чоралари кўрилади.

Кези келганида автомашина эгаларига эслатиб ўтиш жоизки, бензинни захира учун харид қилиш ва уни яроқсиз шароитда сақлаш мақсадга мувофиқ эмас. Чунки бу нафақат оила аъзоларингиз, балки яқин атрофда яшовчи бошқа инсонларнинг ҳам саломатлиги ва ҳаётига таҳдид солади. Бензинни фақат шу мақсадда махсус жиҳозланган объектларда, масалан, ёқилғи қуйиш шохобчаларида, терминалларда сақлаш мумкин. Яқинларингиз ва атрофингиздагиларнинг ҳаётини хавф остига қўйманг. Бензинни ноқонуний сақлаш ҳолатлари аниқланса, жарима ва қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа чоралар қўлланилади.

Шунингдек, қарорда 2023 йил 1 апрелга қадар Энергетика вазирлиги ҳузуридаги Нефть маҳсулотлари ва газдан фойдаланишни назорат қилиш ҳамда Электр энергетикада назорат инспекциялари томонидан, истисно тариқасида, Ўзбекистон Президенти ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил (бизнес омбудсман) билан келишмасдан тадбиркорлик субъектларини уларнинг молиявий-иқтисодий фаолиятига аралашмаган ҳолда энергия ресурсларидан ноқонуний ва самарасиз фойдаланиш ҳолатлари бўйича текширишга рухсат берилди.

> **МАМЛАКАТИМИЗДА БЕНЗИН ТАҚЧИЛЛИГИ ЙЎҚ, УНИНГ БАРҚАРОР ТАЪМИНОТИ МАВЖУД, ХОМАШЁЛАРНИНГ КЎЗДА ТУТИЛГАН ИМПОРТ ҚИЛИШ ҲАЖМЛАРИ БАРҚАРОР ДАВОМ ЭТМОҚДА. ЖУМЛАДАН, НЕФТНИ ҚАЙТА ИШЛАШ ЗАВОДЛАРИ ТОМОНИДАН 76,1 МИНГ ТОННА ХОМАШЁ ЗАХИРАСИ ЯРАТИЛГАН ВА УНИ ДОИМИЙ РАВИШДА ТЎЛДИРИБ БОРИШ ЧОРАЛАРИ КЎРИЛАДИ.**

Нефть маҳсулотлари ва газдан фойдаланишни назорат қилиш инспекцияси ва Электр энергетикада назорат инспекцияси ўтказиладиган текширувлар натижалари бўйича автобензин маҳсулотларининг ортиқча йўқотишларига ва талон-тарожликларга йўл қўйган мансабдор шахсларга нисбатан қонунчилик ҳужжатларида белгиланган жазо чораларини қўллаш, уларнинг фаолиятига ҳуқуқий баҳо бериш юзасидан ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга тақдимномалар киритиб борилади.

Халқимизнинг қиш-қишлигини қилади, биз ўз ишимизни, деган азалий пурҳикмат ибораси бор. Бу нақлга амал қилиб иш тутиш жуда муҳим. Зеро, ҳар биримизнинг зиммамиздаги масъулиятли вазифани ўз вақтида сидқидилдан бажаришимиз истеъмолчиларнинг автобензин маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини ўз вақтида таъминлаш, уларнинг нархларини барқарорлаштириш ҳамда аҳолининг ортиқча сарф-харажатларини қисқартиришда ҳам бағоят кўл келади.

ДОЛЗАРБ МАВЗУ

БОЗОРНИ СИФАТЛИ, ХАВФСИЗ ВА АРЗОН ОЗИҚ-ОВҚАТ МАҲСУЛОТЛАРИ БИЛАН ТЎЛДИРИШ

МАМЛАКАТНИ БОЙ, ХАЛҚНИ РОЗИ ҚИЛАДИ

Бошланиши 1-бетда

Нодир ЖУМАЕВ,
иқтисодиёт фанлари доктори:

— Озиқ-овқат хавфсизлиги хусусида гап кетганда, пандемия натижасида бутун дунёда вужудга келган гуманитар инқирозни эслаб ўтиш зарур. Бу офат иқтисодиёт ва қишлоқ хўжалигининг деярли барча секторларига жиддий таъсир қилиб, муайян муаммоларни юзага келтирди. Шунингдек, жаҳон иқтисодиётига зарар етказиб, инсонларнинг даромад манбалари минималлашишига сабаб бўлди. Шу билан бирга, озиқ-овқат таъминоти занжирларида катта узилишлар пайдо қилиб, истеъмол товарлари нархлари кескин кўтарилиши ва тақчиллиги муаммосини келтириб чиқарди.

Бу анъанавий озиқ-овқат тизимларини янги талаблар асосида кўриб чиқиб, уларни қайта ташкил этиш ҳақида кенгроқ ўйлашни тақозо қилади.

Жаҳон банки маълумотларига кўра, бутун дунё бўйлаб ички озиқ-овқат нархлари инфляцияси юқорилигича қолмоқда. 2022 йил июль ойидан октябрь ойигача бўлган маълумотлар паст ва ўрта даромадли деярли барча мамлакатларда юқори инфлацияни кўрсатмоқда. Паст даромадли мамлакатларнинг 84,2 фоизи, ўртадан паст даромадли мамлакатларнинг 93 фоизи ва юқори ўрта даромадли мамлакатларнинг 93 фоизида инфляция даражаси 5 фоиздан юқори бўлган, аксарияти икки рақамли инфляцияни бошдан кечирган. Озиқ-овқат нархлари инфляцияси юқори бўлган даромади баланд мамлакатлар улуши 85,5 фоизгача кўтарилди.

Халқаро валюта жамғармаси маълумотига кўра, озиқ-овқат ва ўғит импорт нархлари ошишидан энг кўп зарар кўрган 48 мамлакатдаги заиф оилаларга ёрдам бериш учун 5-7 миллиард доллар қўшимча харажатлар керак бўлади. Ўткир озиқ-овқат хавфсизлигини тугатиш учун эса қўшимча 50 миллиард доллар талаб қилинади.

БМТнинг Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти, Халқаро валюта жамғармаси, Жаҳон банки, Жаҳон озиқ-овқат дастури ва Жаҳон савдо ташкилоти томонидан глобал озиқ-овқат хавфсизлиги ва озиқланиш инқирози бўйича баёнот қабул қилиниб, унда тўртта асосий

йўналишда сезиларли ютуқларга эришилгани қайд этилган. Булар — заиф қатламларга зудлик билан ёрдам кўрсатиш, савдо ва халқаро озиқ-овқат таъминотини осонлаштириш, ишлаб чиқаришни кўпайтириш ва иқлимга чидамли қишлоқ хўжалигига сармоя киритиш.

Дунё миқёсида содир бўлаётган мазкур ҳолат халқаро ҳамжамиятнинг бир бўлаги бўлган Ўзбекистонни ҳам четлаб ўтмаслигини ҳисобга олиб, давлатимиз томонидан аниқ стратегик мақсадлар белгилаб олинган. Жумладан, озиқ-овқат хавфсизлигини ва ички бозорларда нархлар барқарорлигини таъминлаш ҳамда аграр соҳада аҳолининг ташаббусларини қўллаб-қувватлаш орқали уларнинг даромадларини ошириш, шунингдек, “Бир ҳудуд — бир маҳсулот” тамойили асосида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштиришни кенгайтириш ҳамда экспорт салоҳиятини оширишга қаратилган комплекс чора-тадбирлар кўриляпти. Биргина Тошкент вилоятида 2023 йилда 9 минг гектар пахта ва ғалла майдони қисқартирилиб, аҳолига 25 сотихдан бериш режалаштирилган.

Натижада 60 мингдан ортиқ киши иш билан таъминланади. Шунингдек, вилоятда яйлов ўсимликлари уруғчилигини йўлга қўйиш, сув кам талаб қиладиган мойли, дуккакли ва озуқа экинлари етиштириш, чорва боқиш мўлжалланган 62 минг гектар ерни фойдаланишга киритиш борасида амалий саъй-ҳаракатлар бошланган.

Қабул қилинган қарорга асосан, фермер хўжаликлари ва кластерлар фойдаланишидаги пахта ва ғалладан қисқартирилган ҳамда аҳоли пунктларига яқин ва сув таъминоти яхши бўлган ерлардан 2022 йил якунига қадар қўшимча 20 минг гектар — умумий 100 минг гектар, 2023 йилда 95 минг 169 гектар экин майдони аҳолига очиқ электрон танлов орқали ижарага берилади.

Ўз навбатида, озиқ-овқат таъминоти соҳасидаги муаммоларни биргина ижтимоий ҳимоя механизмларини кучайтириш билангина ҳал этиб бўлмаслигини ёддан чиқармаслик лозим. Озиқ-овқат тизими фаолиятини қўллаб-қувватлаш ва инфляцияга йўл қўймасликда эса давлат харидлари ҳамда тақсимот тизими муҳим восита ҳисобланади.

Умуман олганда, бугунги геосиёсий вазият, экологик инқироз, сув танқислиги ва иқлим ўзгаришлари дунё иқтисодиётининг озиқ-овқат секторини ислоҳ этиш заруратини яққол кўрсатиб қўйди. Гап шундаки, озиқ-овқат тизимларининг ҳиссаси атмосферага чиқарилаётган “иссиқхона газлари”нинг учдан бир қисмини ташкил этади ва биохилма-хилликка таҳдиднинг асосий сабабчиси саналади. Бинобарин, соҳада маҳсулот ишлаб чиқариш, қайта ишлаш, етказиб бериш, сотиш ва истеъмол қилиш, чиқиндилар утилизациясида қўлланилаётган усулларни тўлиқ қайтадан кўриб чиқишни, инновациялар, муқобил ва яшил технологиялардан кенг фойдаланишни даврнинг ўзи талаб этяпти.

Мансур ЭШОВ,
иқтисодиёт фанлари доктори:

— Озиқ-овқат хавфсизлиги мамлакат ривожланишининг асосий таркибий қисмларидан биридир. Аҳоли сони ўсиши, ер, сув ва энергия ресурсларига талаб ортиши, шунингдек, иқлимнинг кескин ўзгариши озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашга таъсир этувчи асосий омиллардир. Сўнгги йилларда озиқ-овқат хавфсизлигини мустаҳкамлаш бўйича кўрилган чора-тадбирларнинг ижобий самараларини Глобал очлик индексида мамлакатимиз эгаллаган ижобий натижада ҳам кўришимиз мумкин. Ўзбекистон 2022 йилда 121 давлат орасида 21-ўринни эгаллаб, 5,6 балл билан очлик даражаси паст мамлакатлар қаторидан ўрин олди. 2022 йилги Глобал озиқ-овқат хавфсизлиги индекси (Global Food Security Index — GFSI) да Ўзбекистон 113 давлат орасида 73-ўринни эгаллади. Ўзбекистон 2019-2022 йилларда озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш бўйича 10 давлат орасида энг яхши ўсишга эришди. Нархлар тоифаси бўйича 18-ўринга, “Сифат ва хавфсизлик” йўналиши бўйича 3-ўринга, “Барқарорлик ва мослашиш” йўналиши бўйича 36-ўринга кўтарилди.

Дунёда озиқ-овқат билан боғлиқ чекловлар ва нархлар ўсиши натижасида жаҳон бозорларида буғдой нархи 50 фоиз, ўсимлик ёғи 33 фоиз, шакар 14 фоиз, нефть 47 фоиз ошди. Албатта, бу юртимиздаги нарх-навога ҳам таъсир кўрсатмасдан қолмайди. Шу боис, жорий йилнинг июнь ойидан бошлаб паррандачилик хўжаликларига буғдой сотиб олиш учун 400 миллиард сўм револьвер кредит йўналтириляпти. Паррандачилик хўжаликларига ҳар бир маҳалла учун оилавий тадбиркорлик дастурлари асосида 200 миллион сўмдан имтиёзли кредит ажратилиши белгилаб берилди. Шу билан бирга, Президентимизнинг “Чорвачиликни янада ривожлантириш ва чорва озуқа базасини мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига асосан, чорвачилик хўжаликларига гўштнинг ҳар бир килограмми учун тўланадиган субсидия 2 минг сўмдан 4 минг сўмга, сутнинг ҳар бир литри учун 200 сўмдан 400 сўмга оширилди. Хориждан олиб келинадиган қишлоқ хўжалиги техникаси барча тўловлардан озод этилди. Соҳага 170 миллион доллар имтиёзли кредит линиялари очилди. 200 минг гектардан зиёд пахта ва ғалла майдонига озуқабоп экинларни алмашлаб экиш белгиланди. Натижада Андижон, Бухоро, Фарғона ва Хоразм вилоятларида пахта-тўқимачилик кластерлари томонидан 18 минг бош молга мўлжалланган 35 та чорвачилик хўжалиги ташкил қилинди ва бу ишлар бошқа ҳудудларда ҳам жадал давом эттириляпти.

Бундан ташқари, аҳолини қўллаб-қувватлаш мақсадида 22 турдаги озиқ-овқат маҳсулотлари 2023 йил 1 январга қадар божхона божларидан озод қилинди. Озиқ-овқатни импорт қилишда божларни оширилган ставкада қўллаш тўхтатиб турилади. Давлат харидларида озиқ-овқат маҳсулотларини импорт қилиш бўйича чекловлар вақтинча бекор қилинади.

Озиқ-овқат етказиб бериш тармоғида ижтимоий ҳимоя тизимини мустаҳкамлаш ҳамда инқироздан чиқиб кетиш ва келажак учун инвестиция йўналтиришда янада инклюзив, экологик жиҳатдан тоза озиқ-овқат тизимини яратиш устувор вазифадир. Мамлакатимиздаги ислоҳотларда айнан мазкур жиҳатларга алоҳида эътибор қаратиляпти. Озиқ-овқат хавфсизлигини кенгроқ таъминлаш, бозорни сифатли, хавфсиз ва арзон озиқ-овқат маҳсулотлари билан тўлдириш, аҳолининг харид имкониятларини мустаҳкамлаш, ташқи иқтисодий фаолиятни либераллаштириш ва соғлом рақобат муҳитини ривожлантириш, нарх-наволарни барқарор ушлаб туриш, соҳадаги мавжуд тизимли муаммоларга барҳам беришга қаратилган амалий саъй-ҳаракатлар асло тўхтаб қолмагани, аксинча, жадаллашгани бунинг тасдиғидир. Бунда айнан аҳоли учун янги даромад манбалари яратиш, яшил ва табиий ресурсларни тежайдиган технологияларга урғу берилаётгани, озиқ-овқат тармоқларида қатор акциз солиқлар бекор қилингани ижобий ҳолат саналади.

Тараққиёт стратегиясини 2022 йилда амалга оширишга оид давлат дастурида саноат тармоқларида “яшил” иқтисодиётга ўтиш ва энергия тежамкорлик дастурини ишлаб чиқиш белгиланган эди. Унга асосан, 2023 йил 1 июндан бошлаб маҳсулотнинг экологик тоза энергия ва технологиялар ёрдамида ишлаб чиқарилганини тасдиқловчи “яшил сертификатлар” тизими жорий этилади. Озиқ-овқат соҳасида “яшил” иқтисодиёт бўйича илмий тадқиқотларни кўпайтириш, инновацион лойиҳаларни татбиқ этиш муҳим масалалардан биридир.

Элмурод ҲОШИМОВ,
иқтисодиёт фанлари доктори:

— Бугунги глобал вазиятнинг таъсири юқори бўлса-да, мамлакатимизда инфляциявий таргетлаш доирасида инфляция даражасини бир хонали рақамга келтириш ҳамда нарх-наво барқарорлигини таъминлашга алоҳида эътибор қаратиляпти. Бунда ички бозорни истеъмол товарлари билан тўлдириш, асосий истеъмол товарлари нархлари мавсумий тебранишлари даражасидан келиб чиқиб, “хатар даражасининг таҳлили” тизимини жорий қилиш устувор вазифа сифатида белгиланган.

Шу боис, инфляцияга номонетар омиллар таъсирини пасайтириш ва асосий озиқ-овқат маҳсулотлари нархлари барқарорлигини таъминлаш бўйича қўшимча чоралар кўриляпти. Жумладан, асосий озиқ-овқат маҳсулотлари нархи кескин ошиб кетишига йўл қўймаслик, импорт бозорида монополиянинг олдини олиш, товарларни четдан олиб киришда рақобат шароитларини яхшилаш, ишлаб чиқариш, кафолатланган захирани яратиш, асосий истеъмол товарларининг транспорт харажатларини субсидиялаш, тегишли ҳудудларнинг асосий турдаги озиқ-овқат маҳсулотлари талабидан келиб чиқиб, уларни квота асосида бозор шароитларида сотиб олиш ва ички бозорга интервенция қилишга эътибор қаратилган.

Унумдорлиги юқори кўчатларни харид қилиш ва халқаро сертификатлар (GlobalGAP, Organic) олиш харажатларининг 50 фоизини ҳамда қишлоқ хўжалиги техникаси лизинг харажатлари фоиз ставкасининг тенг ярмини давлат томонидан қоплаб бериш механизми жорий этилди. “Даладан истеъмолгача” тамойили асосида маҳсулот етиштириш бўйича қишлоқ хўжалиги кооперациялари рағбатлантирилиб, Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент, Бухоро, Сирдарё ва Қашқадарё вилоятларига Европа Иттифоқининг грант маблағлари йўналтирилди. Натижада ушбу ҳудудларда 500 нафар ёш ва “Темир дафтар”га киритилган эҳтиёжманд аҳолига 1 гектардан ер майдони ажратилиб, уларни мева-сабзавотчилик кооперацияларига бирлаштириш орқали янги иш ўринлари яратиш имкониятини берди.

Озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашга иқтисодий, ижтимоий ва экологик механизмлар уйғунлигида аҳамият қаратилаётгани бежиз эмас, албатта. Чунки бу одамлар турмуш сифатини яхшилашга хизмат қилиб, Ўзбекистоннинг дунё миқёсидаги салоҳиятини янада оширади. Гарвард университети тадқиқотларига кўра, Ўзбекистон 50 дан ортиқ саноат маҳсулотини ишлаб чиқаришда барча имкониятлар ва нисбий устунликларга эга. Қайд этилишича, юртимизда нефть, газ-кимё, металлургия, машинасозлик, электротехника, фармацевтика, қурилиш материаллари, тўқимачилик, чарм-пойабзал қатори айнан озиқ-овқат ҳамда “яшил” иқтисодиёт билан боғлиқ саноат тармоқлари иқтисодиётимиз драйверига айланиши учун барча шароитлар мавжуд. Ислоҳотлар негизида ҳам айнан мазкур тармоқларда хусусий сектор ташаббуслари ва янги лойиҳаларини қўллаб-қувватлаш ҳамда кооперацияни ривожлантириш мақсадлари мужассам.

Озиқ-овқат маҳсулотлари етиштириш масаланинг бир томони бўлса, уларни истеъмолчига етказиш, қадоқлаш ва сақлаш ҳам алоҳида масъулиятли вазифадир. Бу, ўз навбатида, техник хизмат кўрсатиш, совиткичли омборхоналардан фойдаланиш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш ва бошқа хизмат кўрсатиш объектларини ишга тушириш асосида томорқаларда маҳсулот етиштиришни ташкил этиш орқали янги иш ўринлари яратиш, экспортбоп маҳсулотлар тайёрлаш билан бирга тизимли чора-тадбирларни амалга оширишни талаб қилади.

Мазкур ишларга уйғун тарзда Президентимизнинг “Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлардан фойдаланиш ва муҳофаза қилиш тизимини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори қабул қилинди. Унинг ижроси нафақат аграр тармоқда маъмурий ислоҳотларни тезлаштиради, балки мазкур стратегик секторни жадал рақамлаштириш, қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат хавфсизлиги соҳаларига замонавий ахборот тизимлари ва дастурий маҳсулотларни татбиқ этишга қаратилган устувор йўналишларни амалга оширишга ҳам хизмат қилади.

Мухтасар айтганда, саъй-ҳаракатлардан кўзланган бош мақсад халқ манфаати устуворлигини таъминлаш, озиқ-овқат маҳсулотларини кўпайтириб, бозордаги нарх-навони арзонлаштириш, шу орқали одамларни рози қилишдир.

АҲОЛИНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ МАҚСАДИДА 22 ТУРДАГИ ОЗИҚ-ОВҚАТ МАҲСУЛОТЛАРИ 2023 ЙИЛ 1 ЯНВАРГА ҚАДАР БОЖХОНА БОЖЛАРИДАН ОЗОД ҚИЛИНДИ. ОЗИҚ-ОВҚАТНИ ИМПОРТ ҚИЛИШДА БОЖЛАРНИ ОШИРИЛГАН СТАВКАДА ҚЎЛЛАШ ТЎХТАТИБ ТУРИЛАДИ. ДАВЛАТ ХАРИДЛАРИДА ОЗИҚ-ОВҚАТ МАҲСУЛОТЛАРИНИ ИМПОРТ ҚИЛИШ БЎЙИЧА ЧЕКЛОВЛАР ВАҚТИНЧА БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Мухторхон ТОШХЎЖАЕВ,
иқтисодиёт фанлари номзоди:

— Юқорида масаланинг иқтисодий, ижтимоий, табиий жиҳатларига алоҳида тўхталиб ўтилди. Шу ўринда бир муҳим масалага эътиборингизни қаратсам. Бу мавжуд ресурслардан исроф қилмасдан, оқилона фойдаланиш ва тақчиллик масаласи. “Пул ўзингники, лекин ресурслар барчаники”, деган ибора бор. Дунёда кўплаб одамлар ресурс, озиқ-овқат тақчиллигига дуч келяпти. Қадриятларимизда ҳам исроф қилмаслик устуворлик касб этади.

Иқтисодий ўсиш ва камбағалликдан чиқиш тенденцияси ҳам ортиқча харажатларни қисқартириш, яъни жамиятда тежамкорлик тамойилини жорий этиш (масалан, турли миллий қадриятларга асосланган маросимларга харажатларни камайтириш) заруратини вужудга келтиради.

Иқтисодий, экологик ва ижтимоий омиллар, масалан, ҳосил етишмаслиги, аҳолининг ҳаддан ташқари кўпайиши ва ҳукуматнинг нотўғри сиёсати кўпгина мамлакатларда озиқ-овқат танқислигининг асосий сабабидир. Атроф-муҳит омиллари муайян жойда етиштириладиган экин турларини, иқтисодий омиллар харид ва ишлаб чиқариш имкониятларини, ижтимоий-сиёсий омиллар эса озиқ-овқатнинг аҳолига тақсимланишини белгилайди. Озиқ-овқат танқислиги узоқ ва қисқа муддатли салбий таъсирларга эга, жумладан, очлик, тўйиб овқатланмаслик, ўлим кўпайиши ва сиёсий тартибсизликлар. Фавқулодда ва узоқ муддатли чора-тадбирлар ёрдамида озиқ-овқат хавфсизлиги муаммосини биргаликда ҳал қилиш зарурати мавжуд.

Озиқ-овқат тақчиллигини келтириб чиқараётган омиллардан бири ўғит танқислигидир. Тақчилликнинг давом этиши 2023 йилгача прогноз қилинаётгани эса қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини чеклайди ва озиқ-овқат хавфсизлигини беқарорлаштиради. Жаҳон озиқ-овқат инқирози мамлакатлар томонидан ички таъминотни кўпайтириш ва нархларни пасайтириш мақсадида ўрнатилган озиқ-овқат савдосига чекловлар сони ортиб бориши туфайли қисман ёмонлашди. 2022 йил 28 ноябрь ҳолатига кўра, 19 та давлат озиқ-овқат экспортини чекловчи 23 та, саккизтаси эса экспортни чекловчи 12 та чора-тадбирни амалга оширган. Жаҳон озиқ-овқат импорти тўлови 2022 йилда 1,94 триллион долларгача кўтарилади, бу аввал кутилганидан юқори. Бу рекорд даражада юқори ва 2021 йилдагига нисбатан 10 фоиз ўсишдир. Ўсиш суръати яқин ойларда жаҳон озиқ-овқат нархлари ошишини, мамлакатларнинг харид қобилиятини ва бунинг натижасида импорт қилинадиган озиқ-овқат ҳажмини камайтиради. Озиқ-овқат маҳсулотлари нархи ошиши глобал озиқ-овқат импорти тўлови ўсишининг асосий сабаби бўлиб, биринчи навбатда, юқори даромадли мамлакатларга тўғри келади. Гарчи юқори даромадли давлатлар глобал импортда асосий ўринни эгалласа-да, юқори нархлар иқтисодий жиҳатдан заиф мамлакатлар гуруҳларига кўпроқ таъсир қилади.

Дунё мамлакатлари озиқ-овқат бўйича ўз қувватларини ва захираларини ички бозорга йўналтириш йўлидан бормоқда. Шу боис, мамлакатимизда экспорт-импорт амалиётларини тартибга солиш ва соддалаштириш, талаб юқори бўлган озиқ-овқат товарларини импорт қилишда тўсиқ ва чекловларни бартараф этиш, ташқи иқтисодий фаолият субъектлари ҳуқуқларини ҳимоя қилиш кафолатларини кучайтириш бўйича изчил чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Бундай шароитда носоғлом рақобат, озиқ-овқат маҳсулотлари импортининг айрим хўжалик юритувчи субъектлар томонидан монополлаштирилиши, сунъий тақчилликни юзага келтириш ва баъзи товарлар учун нарх-навонинг асоссиз оширилиши, оқибатда бу асосда қўшимча фойда олиш учун шарт-шароитлар яратувчи жиддий тизимли муаммоларга йўл қўйиб бўлмайди. Мамлакатнинг озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, бозорни сифатли, хавфсиз ва арзон озиқ-овқат маҳсулотлари билан тўлдириш, аҳолининг харид имкониятларини мустаҳкамлаш, ташқи иқтисодий фаолиятни либераллаштириш ва соғлом рақобат муҳитини ривожлантириш, шунингдек, мазкур соҳадаги мавжуд тизимли муаммоларга барҳам бериш мақсадларига эришиш долзарб ҳисобланади.

Умуман олганда, озиқ-овқат тақчиллиги — жиддий глобал муаммо. Мавжуд озиқ-овқат маҳсулотларини исроф қилмасдан фойдаланиш эса имкониятлар чекланган вазиятда муҳим ва қадриятларимиз нуқтаи назаридан ҳам энг тўғри йўлдир.

“Янги Ўзбекистон” мухбири
Башорат ЮНУСОВА ёзиб олди.

ТАҲЛИЛ ВА ТАҚҚОС

ЭРКИН РАҚОБАТ ПЛАТФОРМАЛАРИ

Абдурауф ҚОРЖОВОВ,
иқтисодий шарҳловчи

Бошланиши 1-бетда

Ана шундай муҳим воситалардан бири биржа бўлиб, талаб ва таклиф, соф рақобат, котировка, замонавий ахборот технологиялари унинг фаолият моҳияти ва таркибини белгилайди.

Мамлакатимизда биржалар тарихи ўтган асрнинг 90-йиллари бошига бориб тақалади. 1994 йилда ташкил этилган “Ўзбекистон республика товар-хомашё биржаси” акциядорлик жамияти айни пайтга келиб, Марказий Осиёдаги энг йирик, МДҲ мамлакатлари ичида етакчи хомашё савдо майдонларидан бирига айланган.

Сўнгги уч йилда юртимизда биржа савдо айланмаси 2 баробар ўсиб, 90 триллион сўмга етган. Сотиладиган товарлар сони эса 3 баробардан зиёд кўпайган. 2019 йилда 200 турдаги маҳсулот сотувга қўйилган бўлса, бугунги кунда улар сони 630 дан ошди. Бу, ўз навбатида, тадбиркорларнинг товар ресурсларидан эркин фойдаланиш имкониятлари кенгайиши, соғлом рақобат ривожланишига хизмат қилади, тузилган битимлар бажарилиши кафолатланади ва иштирокчилар шартномавий интизомини мустаҳкамлайди.

Техник чигит, пахта ёғи ва бошқа маҳсулотлар фақат биржа орқали сотилади

Кейинги йилларда биржалар фаолияти тобора замонавийлик ва шаффофлик касб этиб боряпти. Бунда биржа савдо операцияларини янада кенгайтириш, уларнинг профессионал иштирокчилари фаолиятини тартибга солиш жараёни такомиллашиб боришининг ҳам аҳамияти катта. Шу мақсадда давлатимиз раҳбари 2022 йил 24 ноябрда “Иқтисодиёт тармоқларида биржа механизмларидан фойдаланишни кенгайтириш ҳамда биржа савдоларини тартибга солиш тизимини такомиллаштириш тўғрисида”ги қарорни имзолади.

— Ҳужжатда қатор янгиликлар кўзда тутилган, — дейди “Ўзбекистон республика товар-хомашё биржаси” АЖ бошқаруви раиси Зиёвиддин Бадриддинов. — Жумладан, тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказишда бир вақтнинг ўзида биржа тизимида ҳам аккредитациядан ўтказиш тартиби жорий этилади. Хорижий етказиб берувчилар томонидан давлат харидлари тизимида иштирок этиш учун мажбурий тартибда электрон рақамли имзо олиш талаби бекор килинади. Биржада тадбиркорлик субъектларининг истиқболли товарлар секцияси ташкил этилиб, тўғридан-тўғри шартнома тузишда биржанинг ҳисоб-китоб клиринг тизими орқали кафолатлаш хизматидан фойдаланиш имконияти яратилади.

Давлатимиз раҳбари шу йилнинг 17 май куни товар-хомашё биржасида савдони кўпайтириш, маҳаллий корхоналар иштирокини кенгайтириш бўйича ўтказилган йиғилишда йил якунига қадар биржаларга ўз маҳсулотини олиб чиқадиган маҳаллий тадбиркорлар сонини камида 2 баробар, маҳсулотлар турини эса 5 баробар ошириш вазифасини қўйди.

Йиғилишда айрим турдаги юқори ликвидли товарлар биржага қўйилмагани оқибатида уларнинг нархида ўсиш кузатилаётгани қайд этилган эди. Масалан, ўтган йилги пахта ҳосилидан қарийб 1,5 миллион тонна техник чигит олинган бўлса-да, шундан 939 минг тоннаси ёки 56 фоизи биржага чиқарилган. Ёки биржадан чигит олган 119 та ёғ-мой корхонасидан 20 таси пахта ёғини биржа савдоларига умуман қўймаган.

Шу боис, юқори ликвидли маҳсулотлар биржа савдоларига қўйилгани устидан тизимли назорат ўрнатиш, биржага қўйиш мажбурий бўлган товарларни, айниқса, техник чигит ва пахта ёғини тўғридан-тўғри сотган корхоналарга нисбатан жавобгарлик кучайтирилиши белгиланган эди.

Юқорида қайд этиб ўтилган қарорга биноан, 2024 йил 1 январгача монополист корхоналар ва давлат улуши 50 фоиздан юқори бўлган ишлаб чиқарувчилар томонидан фақатгина биржа савдолари орқали сотиладиган товарлар рўйхати янада кенгайтирилди. Ушбу рўйхатга пўлат шар, металл лист прокати, суюқ углерод оксиди, техник кислород, каустик сода, нефть кокси, синтетик нафта ва барда каби маҳсулотлар киритилди. Бундан ташқари, монополист бўлмаган корхоналар томонидан металл листи прокати ва цементнинг 50 фоизи, пахтадан олинган чигит, пахта мойи, шрот, шелуха ва истеъмол этил спиртининг 100 фоизи биржа савдолари орқали сотилади.

Биржа савдоларида тузилган битимлар бажарилишини молиявий кафолатлаш мақсадида битимлар бўйича ҳисоб-китоб ишлари Ҳисоб-китоб клиринг палатаси орқали бажарилади. Тузилган битимларни кафолатлаш сотувчи ва сотиб олувчи томонидан палатада очилган шахсий ҳисоб рақамига кафолат маблағини ўтказиш билан амалга оширилади. Агар тарафлардан бири ўз мажбуриятларини бажармаган тақдирда, ушбу маблағ зарарларни қоплаш учун иккинчи томонга ўтказилади.



МАЗКУР QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИШ ОРҚАЛИ ВИДЕОЛАВҲАГА ЎТИНГ.

Энди тадбиркорлик субъектлари ўз хоҳишига кўра, биржадан ташқари тўғридан-тўғри тузилган шартномалар бўйича ҳам биржанинг клиринг тизими орқали кафолатли ҳисоб-китоб хизматидан фойдаланиши мумкин бўлади.

Қарорда ички бозорда нархлар кескин ошиб кетиши ва сунъий танқислик вужудга келишининг олдини олиш бўйича тизимни жорий этиш ҳамда хорижий экспертлар ва консалтинг компанияларини жалб қилган ҳолда Ўзбекистон республика товар-хомашё биржасини ривожлантириш стратегиясини ишлаб чиқиш ҳам белгиланган.

Форвард савдолар ва шаффофлик қандай таъминланади?

Форвард шартнома муддатли бўлиб, унга кўра, сотилаётган товар учун нарх мазкур ҳужжат тузилган кунда белгиланади. Товарнинг етказиб берилиши эса келажакдаги муддатда амалга оширилади.

Биржада форвард савдоларни ташкиллаштиришдан кўзланган асосий мақсад маҳаллий тадбиркорлар ва фермерларга товарлар учун олдиндан тўловни амалга ошириш ва нархлар ўзгарувчанлигидан ҳимоя қилиш орқали қулай шароитлар яратиш учун қўлланилади. Хусусан, ушбу механизм, бир томондан, келажакда етказиладиган товар учун нархни олдиндан белгилаб олиш, иккинчи томондан, маҳсулот учун тўловни олдиндан олиш имконини беради. Форвард битимлар товар ишлаб чиқарувчилар учун тўғри прогнозлаш ва ўз фаолиятини янада самарали режалаштириш имкониятини тақдим этади.

— Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 18 мартдаги “Товар-хомашё биржалари фаолиятига илғор ахборот технологияларини кенг жорий этиш ва электрон тижорат фаолиятини изчил ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорига мувофиқ, биржамизда ҳам форвард савдолар ўтказиб келинади, — дейди “Ўзбекистон республика товар-хомашё биржаси” АЖ матбуот хизмати раҳбари Ҳикматулло Тиллабоев. — Мисол учун, биржамизда икки йил олдин ўтказилган илк савдода 1 триллион 388 миллиард сўмлик 1 минг 195 та форвард битим тузилиб, 17 хилдаги маҳсулот, шу жумладан, шакар, цемент, пахта толаси, пахта ёғи, техник пахта чигити, нефть ва ем маҳсулотлари сотилган. Форвард шартномалар асосида ўтказилган электрон савдоларда 87 нафар сотувчи ва 244 нафар харидор иштирок этган.

Шу йилнинг январь-декабрь ойларида ўтказилган савдоларда эса 11 триллион 1 миллиард сўмлик 7 мингдан зиёд форвард битим тузилди, уларда 34 турдаги маҳсулот қамраб олинди. Рақамларда ифодаланган қиёсий кўрсаткичлар савдо ҳажми ва товар хиллари тобора ортиб бораётганини яққол намоён этиб турибди.

Президентимизнинг шу йил 24 ноябрда имзолаган қарорига биноан, шу пайтга қадар бу тизимдан ички бозор савдоларида фойдаланиб келинган бўлса, энди маҳсулотларни форвард битим асосида сотиш тартиби экспорт-импорт шартномаларига нисбатан ҳам қўлланилади. Демак, миқёс, кўлам ва имконият янада кенгаяди.

Шунингдек, биржа савдолари ва электрон тижорат савдо тизимлари шаффофлигини таъминлашда расмий веб-сайт, ижтимоий тармоқлардаги саҳифалар ва бошқа медиаресурслар яқин ёрдамчига айланган. Биржанинг uzex.uz веб-сайтида фойдаланувчилар биржа фаолияти ва хизматларига доир барча маълумотларни олиши мумкин.

Биржада мулоқот алоқалари ва жамоатчилик назорати тизими ҳам яратилган. Электрон савдоларда иштирок этишда муаммоларга дуч келган фуқаролар ва тадбиркорлар @uzexfeedbackbot, коррупция ҳолатлари бўйича эса @uzexanticorruptionbot telegram ботлари орқали мурожаат қилиши мумкин.

Президентимизнинг 2022 йил 28 майдаги қарорига асосан, ун маҳсулотлари жорий йилнинг 1 июнидан, буғдой 1 июлдан бошлаб очиқ биржа савдолари орқали бозор тамойиллари асосида сотиб келинмоқда.

Савдо шаффофлигини таъминлаш мақсадида ун ва ғалла маҳсулотини кунма-кун биржа савдоларига қўйиш ҳажмлари ва уларнинг котировкалари, яъни нархлари биржанинг расмий веб-сайти, ижтимоий тармоқ ва оммавий ахборот воситаларида мунтазам эълон қилиб бориляпти. Масалан, сўнгги кунларда ўтказилган биржа савдоларида уннинг ўртача нархи бир тоннаси учун 4 миллион 746,3 минг сўм, буғдой учун биржа котировкаси эса 3 миллион 553,3 минг сўмни ташкил этди. Бунда бозорларда таклиф даражаси етарли бўлгани сабабли биржада ун маҳсулоти деярли ўзининг бошланғич нархида сотилмоқда, буғдойнинг биржадаги нархи эса унинг бошланғич нархига нисбатан ўртача 1-2 фоиз ўсганини кўриш мумкин.

Буғдой бўйича савдолар мамлакатимизнинг ҳар бир туманида жойлашган савдо майдончалари орқали амалга ошириб келинмоқда. Айни пайтда улар сони 360 дан зиёд бўлиб, бу жараёнга 3,5 мингдан ортиқ трейдер ҳам жалб этилган. Ҳар куни ўртача 700 дан ортиқ фермер сотувчи корхона сифатида савдода иштирок этяпти. Умуман олганда, ўтган даврда талаб ва таклиф асосида биржа орқали 760 минг тонна ун, 850 минг тоннадан зиёд буғдой сотилган.

Давлат харидларида қандай янгиликлар бор?

— Биржанинг давлат харидлари электрон савдо тизимларида буюртмачи ва етказиб берувчилар учун қўшимча қулайликлар яратишга алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда, — дейди “Ўзбекистон республика товар-хомашё биржаси” АЖ мутахассиси Шаҳноза Ҳакимова. — Биржамиз давлат харидлари электрон тизими оператори ҳисобланади. Бу йўналишда қулайликларни кенгайтириш ва шаффофликни таъминлаш мақсадида 2021 йил май ойидан давлат харидлари бўйича xarid.uzex.uz янги электрон савдо тизими ишга туширилди. Мазкур тизимда давлат харидларининг барча турлари бирлаштирилди ва маҳсулотларнинг ҳамма параметрларини акс эттирувчи товарлар ва хизматларнинг ягона миллий классификатори жорий этилди. Бу туфайли лот жойлаштириш енгиллашди ва буюртмачиларга сифатсиз товарлар етказиб бериш билан боғлиқ муаммоларни бартараф этишга кўмак бериляпти. Бунда давлат харидлари бўйича биржанинг электрон савдо платформасида эса маҳаллий ишлаб чиқарувчиларга 15 фоиз миқдорида преференция қўлланилиши йўлга қўйилди ва давлат харидлари бўйича тузилган шартномаларга қўшимча келишув тузиш имконияти ҳам яратилди. Бундан ташқари, давлат харидлари жараёнига тадбиркорлик субъектларини кенг жалб қилиш мақсадида тизимда гаровни таъминлашнинг янги тартиби жорий этилди. Энди савдо иштирокчилари ўз таклифларини кафолат маблағлари ўрнига гаров ёки кафиллик шаклида таъминлаши мумкин. Бунинг учун давлат буюртмачиси эълонни жойлаштиришда таклифларни гаров ёки кафиллик кўринишидаги таъминот тақдим этиш имкониятини алоҳида кўрсатиб, зарур ҳужжатларни ҳавола этади.

Жорий йил бошидан буён давлат харидлари бўйича биржанинг электрон савдо тизими — xarid.uzex.uz да тузилган битимларнинг умумий ҳажми 2021 йилнинг мос даврига нисбатан 3,3 маротаба ошиб, қарийб 30,4 триллион сўмни ташкил қилди. Бунда бюджет ва корпоратив буюртмачилар маблағларининг тежалиши 3,2 баравар ўсиб, 4,8 триллион сўмга тенг бўлди.

Яна бир янгилик. Биржа Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат захираларини бошқариш қўмитаси билан биргаликда davzaxira.uzex.uz янги ихтисослаштирилган электрон савдо платформасини ишга туширди. Бу лойиҳа давлат захиралари маҳсулотларини аукцион тартибида харид қилиш ва сотишни ташкиллаштириш ҳамда барча савдо иштирокчилари учун тенг шароитлар яратишга хизмат қилади.

Электрон савдоларда Ўзбекистон Республикаси резидентлари ва норезидентлари, юридик шахслар ва якка тартибдаги тадбиркорлар иштирок этиши мумкин. Бунинг учун харидорлар ЭРИ калитидан фойдаланган ҳолда биржада рўйхатдан ва идентификациядан ўтиши, ҳисоб-китоб клиринг палатасига гаров маблағи киритиши талаб этилади.

Айни пайтда davzaxira.uzex.uz ихтисослаштирилган электрон савдо платформасида пўлат сим сотиш бўйича “Ўздавзахира” қўмитасининг дастлабки эълони жойлаштирилган. Мазкур лот бўйича бошланғич нарх маҳсулотнинг бир тоннаси учун 20 миллион сўмдан ортиқроқни, етказиб бериш муддати эса 10 кунни ташкил қилади.

Президентимиз таъбири билан айтганда, биржа — бозор иқтисодиётининг алифбоси. Бугунги кунда унинг тобора такомиллашиб ва замонавийлашиб, ўтказилаётган савдонинг кенгайиб бориши мамлакатимиз иқтисодиётида эркин рақобатни шакллантириш, тадбиркорлар учун янги бозорларни очиш, “яширин иқтисодиёт” ва коррупциянинг кескин камайишига камарбаста бўлаётганини кўрсатяпти.

ОБОД МАНЗИЛЛАР

ИМКОНИЯТ ВА ИМТИЁЗЛАР
аҳоли фаровонлигини таъминлайди

Азиз ИНАТОВ,
маҳалла фаоли

Фориш яқин йилларгача Жиззах вилоятининг энг қолоқ туманларидан бири бўлган. Аҳоли, асосан, чорвачилик билан шуғулланар, ишлаб чиқариш, саноат деярли ривожланмаганди. Дотация ҳисобига кун кечирадиган туман маркази — Боғдон шаҳарчаси бир қаватли пастқам, гувалаю пахсадан қурилган уй ва иморатлардан иборат эди.

2019 йил январь ойи охирида Президентимизнинг туманга ташрифи Фориш ва форишликларнинг ҳаётида туб бурилиш ясаб, ривожланиш ва янгиланишларга йўл очди. Давлатимиз раҳбари туманни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, туризм салоҳияти ва лалми ердан самарали фойдаланишга қаратилган лойиҳалар тақдимоти билан танишди. Шунингдек, Форишнинг ижтимоий-иқтисодий имкониятларига юқори баҳо бериб, бундай деди:

“Ўзи Фориш имкониятлари бўйича энг бой туманлардан бири. Лекин ҳозир бошқа ҳудудлардан бир оз орқада. Бу ернинг қишлоқ хўжалиги, геология, қайта ишлаш соҳаларидаги имкониятларидан фойдаланилса, аҳоли фаровонлиги, маҳаллий бюджетни ошириш мумкин”.

Ташриф чоғида туман марказини қайта қуриш, ободонлаштириш, архитектура қиёфасини ўзгартириш орқали аҳоли ва меҳмонлар учун зарур шароитлар яратиш бўйича мутасаддиларга тегишли топшириқлар ҳам берилганди.

Натижада аҳолининг таклифлари асосида ҳудудни ривожлантириш борасида манзилли дастурлар ишлаб чиқилиб, уларни амалга ошириш бўйича аниқ вазифалар белгилаб олинди. Орадан бир оз вақт ўтиб, Боғдон шаҳарчаси бутунлай замонавий қиёфа касб этди. Кўп қаватли турар жойлар, савдо дўконлари, маиший хизмат шохобчалари қурилди. Саноат корхоналари фойдаланишга топширилди. Янги ерлар ўзлаштирилиб, деҳқончилик, боғдорчилик ривожланди. Аҳоли учун янги иш ўринлари яратилди.

Форишда ишлаб чиқарилган саноат ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини “Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган” тамғаси билан хорижга экспорт қилиш йўлга қўйилди. Халқнинг турмуш даражаси ва фаровонлиги ошиб бормоқда. Энг муҳими, туман маркази аҳолисини узоқ йиллардан бери қийнаб келаётган ичимлик сув муаммосига ечим топилди. Марказдан 18 километр узоқдаги Узунқудуқ сув иншооти таъмирланиб, Боғдон шаҳарчасига ичимлик сув олиб келинди. Аҳоли тўлиқ тоза ичимлик сув билан таъминланди.

Дарҳақиқат, олдинлари ҳал этилиши қийин бўлган муаммо ва масалаларга тезда ечим топиляпти.

Натижада халқ фаровонлиги янада юксалиб, одамлар давлатдан, ҳаётдан рози бўлмоқда.

Яқинда туман ҳокимлиги томонидан етим ва боқувчисини йўқотган икки болага турар жой берилди. Тумандаги Амир Темур маҳалласига қарашли Ётоқ қишлоғи табиий газ билан таъминланди.

— Президентимиз инсон қадрини барча нарсадан устун қўйиб, халқимиз узоқ келажакда эмас, ҳозир яхши яшаши керак, деган халқпарвар ғояни илгари сурди. Бу билан биз, раҳбарлар олдига одамлар ҳаётдан рози бўлиб яшаши учун зарур шарт-шароитлар яратиб бериш, уларнинг муаммоларини ҳал этишни устувор вазифа қилиб қўйди, — дейди туман ҳокими Икром Матиев. — Албатта, аҳоли муаммоларини ҳал этиш учун, биринчи навбатда, маблағ керак. Маблағ масаласида ҳам бугун маҳаллий ҳокимликларда имконият мавжуд. Давлатимиз раҳбарининг бюджетга тушум бўйича белгилаб берилган прогноз кўрсаткичларининг ортиқча бажарилган қисмини маҳаллий ҳокимликлар ихтиёрида қолдириш бўйича қабул қилган қарори ушбу маблағларни жойларда бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишларига сарфлаш ҳамда эҳтиёжманд оилаларни қўллаб-қувватлаш имконини бермоқда. Ётоқ қишлоғини газлаштириш, боқувчиси йўқ болаларга уй олиб беришни ҳам ушбу маблағлар ҳисобидан амалга оширдик. Аслида бу ҳам катта бир ислоҳотнинг самарасидир. Олдинлари бюджетни орттириб бажаришни қўятуринг, ҳатто нафақа ва бюджет ташкилотлари ходимлари ойлигини тўлаш учун ҳам давлатдан дотация олардик. Кейинги йилларда туманимизда ҳам саноат, қишлоқ хўжалиги, хизмат кўрсатиш, тадбиркорлик йўналишларида кўплаб янги лойиҳалар ишга туширилди. Экспорт ҳажми ошди. Иқтисодий кўрсаткичларимиз юксалмоқда. Туманимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича 2022 йилнинг бошида белгилаб олган дастуримиз доирасида жорий йилнинг 9 ойида амалга оширган ишларимизни таҳлил қилсак, барча соҳаларда ўтган йилнинг шу даврига нисбатан ўсишга эришганмиз. Жумладан, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 418,8 миллиард сўмни (ўсиш 116 фоиз), ҳудудий саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 272,5 миллиард сўмни, халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш ҳажми 109,7 миллиард сўмни (ўсиш 134,5 фоиз) ташкил қилган. Шунингдек, 6196,4 минг АҚШ доллари миқдорида маҳсулот экспорти амалга оширилди. Экспорт қилинган маҳсулотнинг 5 миллион 968 минг 400 АҚШ доллари саноат корхоналари, 228,0 минг АҚШ доллари эса қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ҳисобига тўғри келади.

Туманда барча соҳаларда ўсиш суръатларини таъминлашда, албатта, янги ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш лойиҳаларини ишга туширилиши алоҳида ўрин тутмоқда. Ушбу даврда 4,7 миллион АҚШ доллари миқдоридаги хорижий инвестиция жалб қилиш ҳисобига базальт толаси ва арматура ишлаб чиқариш лойиҳаси ишга туширилиб, 197 та янги иш ўрни яратилди.

Жорий йил якуни билан туманда саноат йўналишида умумий қиймати 5,0 триллион сўм бўлган 8 та лойиҳани, қишлоқ хўжалиги йўналишида умумий қиймати 24,1 миллиард сўмлик 8 та лойиҳани, хизмат кўрсатиш йўналишида умумий қиймати 13,1 миллиард сўмлик 8 та лойиҳани амалга ошириш ҳисобига 997 янги иш ўрни яратиш режалаштирилган бўлиб, ушбу марралар эгалланишига оз фурсат қолди. Насиб қилса, туман аҳли янги йилни ёруғ юз билан кутиб олади.

Дарҳақиқат, давлатимиз раҳбари айтганидек, Фориш имкониятлари бўйича энг бой туманлардан бири. Буни бугун туман аҳли эришаётган турли соҳалардаги ютуқлардан, аҳоли турмуш шароити яхшиланаётганидан ҳам билса бўлади.

“ УМУМТАЪЛИМ МАКТАБЛАРИНИНГ 11-СИНФ БИТИРУВЧИЛАРИНИ КАСБ-ҲУНАРГА ЙЎНАЛТИРИШ БЎЙИЧА АНДИЖОН, НАВОИЙ, САМАРҚАНД, ЖИЗЗАХ, ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТЛАРИДА ТАЖРИБА-СИНОВ ЎТКАЗИЛДИ. НАТИЖАДА 2020/2021 ЎҚУВ ЙИЛИДА АНДИЖОН ВИЛОЯТИДА 4 МИНГГА ЯҚИН БИТИРУВЧИ ИШГА ЖОЙЛАШДИ, 14 МИНГ 129 НАФАР ЙИГИТ-ҚИЗ ЎЗИНИ ЎЗИ БАНД ҚИЛИШ ТАРТИБИ БЎЙИЧА ҲУНАР БИЛАН ШУҒУЛЛАНМОҚДА. ҚАРИЙБ 8 МИНГ БИТИРУВЧИГА ҲУНАРМАНДЛИК ВА ТАДБИРКОРЛИК ФАОЛИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ УЧУН 114,2 МИЛЛИАРД СЎМ КРЕДИТ АЖРАТИЛДИ. МАЗКУР АМАЛИЙ ИШЛАР 2021/2022 ЎҚУВ ЙИЛИДА ҲАМ ДАВОМ ЭТТИРИЛДИ.

ЁШЛАРГА ОИД ДАВЛАТ СИЁСАТИ

МАКТАБДАН КАСБГА ЙЎНАЛТИРУВЧИ ТИЗИМ

мустақил ҳаётга дадил қадам қўйишга ёрдам беради

Комилжон МУСАЕВ,
Халқ таълими вазирлигининг ўқувчиларни касбга йўналтириш ва меҳнат бозорига тайёрлаш бўлими бошлиғи

Бошланиши 1-бетда

Касб-ҳунарга йўналтиришда ўқувчиларнинг маънавий-ахлоқий фазилатлари билан бирга улар танлаётган соҳага лаёқати қай даражада мувофиқлигини аниқлаш, бу борада фан ўқитувчилари, синф раҳбарлари, ота-оналар ва маҳалла фаолларининг шахсий намунаси ва ҳамкорлигини мустаҳкамлаш катта аҳамият касб этади.

Ўқувчиларнинг касб-ҳунар ҳақидаги тасаввурини кенгайтириш ва қизиқишини аниқлаш мақсадида халқ таълими тизимида ўқитилаётган 18 та умумтаълим фанлари бўйича Миллий ўқув дастури доирасида яратилаётган замонавий дарсликларга 302 та касбга оид мавзулар киритилди. Дарс жараёнида мазкур касблар ҳақидаги тушунчалар ўқувчиларга ҳаётий мисоллар орқали етказилмоқда. Бу эса, ўз навбатида, ўғил-қизларнинг ҳунар эгаллаш ва ўзини ўзи банд қилиш орқали хизматлар кўрсатиш (фрилансинг) йўналишига қизиқишини аниқлашга кўмаклашаётир.

Касб эгаларининг меҳнат фаолияти билан яқиндан таништириш учун турли учрашув ва сайёр машғулотлар ташкил этилаётгани болаларнинг соҳалар ҳақидаги тасаввурини бойитяпти. Жумладан, йил давомида 9-11-синф ўқувчилари учун ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш ва агротехнология йўналишидаги корхона ва ташкилотларга 34 мингга яқин экскурсия ташкил этилди.

Ўғил-қизларнинг келажакда муносиб касб эгаси бўлишига кўмаклашиш мақсадида kasb.maktab.uz ва profnavigator.uz электрон платформаларида тестлар мажмуаси берилган. Улар орқали ўқувчилар ўзининг қайси касбга қобилиятли эканини аниқлаши мумкин. Ўқувчиларни замонавий касбларга йўналтириш ва ўқитиш учун “Milliy ta’lim resurslari”да 25 дан

зиёд замонавий соҳани ўргатувчи 700 дан, “kasb.maktab.uz”да 500 дан, “profnavigator.uz”да 450 дан ортиқ видеодарслик, видеоконтент, тақдимот ҳамда профессиограмма жойлаштирилган. Айни пайтда ўқувчилар мазкур манбалардан унумли фойдаланиб, ўзини қизиқтирган касблар ҳақида батафсил маълумот олиш билан бирга ушбу касбларни ўрганиш имкониятига ҳам эга.

Жумладан, умумтаълим мактабларининг 11-синф битирувчиларини касб-ҳунарга йўналтириш бўйича Андижон, Навоий, Самарқанд, Жиззах, Қашқадарё вилоятларида тажриба-синов ўтказилди. Натижада 2020/2021 ўқув йилида Андижон вилоятида 4 мингга яқин битирувчи ишга жойлашди, 14 минг 129 нафар йигит-қиз ўзини ўзи банд қилиш тартиби бўйича ҳунар билан шуғулланмоқда. Қарийб 8 минг битирувчига ҳунармандлик ва тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш учун 114,2 миллиард сўм кредит ажратилди. Мазкур амалий ишлар 2021/2022 ўқув йилида ҳам давом эттирилди.

Навоий вилоятида умумий ўрта таълим мактабларининг 11-синф ўқувчиларини касбга ўқитиш бўйича вилоят ҳокимлиги, касбий таълимни ривожлантириш ва мувофиқлаштириш ҳудудий бошқармаси, Навоий шаҳридаги “Ишга марҳамат” мономаркази, “Ватанпарвар” ташкилотининг вилоят кенгаши ҳамда халқ таълими бошқармаси ўртасида ҳамкорлик меморандуми имзоланди. Натижада 2021/2022 ўқув йилида ҳудуддаги мактабларни тамомлаган 11 минг 134 ўқувчидан 10 минг 678 нафари 21 та йўналиш бўйича шартнома асосида қисқа муддатли касбга ўқитиш курсларига жалб этилди.

Ҳар бир касб эгаси мураббий кўмагида камолга етади. Ҳунар эгаллаш истагидаги ўқувчиларни устозга бириктириш орқали соҳага оид зарур тажриба ва маҳоратини шакллантириш, билим ва кўникмасини ривожлантириш мумкин. Шу боис, умумтаълим мактабларининг 10-11-синфида таълим олаётган 124 минг 374 нафар ўғил-қизнинг келгусида касбни тўғри танлашига кўмаклашиш мақсадида 60 минг 237 нафар ота-она “устоз-шогирд” анъанаси асосида 32 та касб бўйича ўқувчиларни шогирдликка олиш истагини билдирган.

Самарқанд вилоятида ўқувчиларни касб-ҳунарга йўналтириш ва ҳаётда муносиб ўрин топишини таъминлаш учун вилоят халқ таълими бошқармаси ҳамда “Ишга марҳамат” мономаркази, KOICA маркази билан ўзаро ҳамкорлик келишуви имзоланди. Бу ерда ҳам ҳунар ўрганиб, келгусида даромад топишига кўмаклашиш мақсадида 7-11-синф ўқувчиларининг 2 минг 117 нафари “устоз-шогирд” анъанаси асосида ҳунарманд усталарга, 2 минг 479 ўғил-қиз тадбиркорларга бириктирилди.

Қашқадарё вилоятида эса, ўқувчиларга замонавий соҳалар ҳақида қўшимча маълумот бериш, касбга қизиқишини инобатга олиб, дарсдан ташқари вақтини мазмунли ташкил этиш мақсадида Қашқадарё тажрибаси сифатида “Касбга йўналтириш соати” ташкил этилди. Жараёнда вилоятдаги 1 минг 217 та умумтаълим муассасасидаги 266 минг нафардан ортиқ 7-11-синф ўқувчисига замонавий касблар тўғрисида тушунча бериш йўлга қўйилди.

“Касбга йўналтириш соати”да ўқувчиларнинг қизиқишини аниқлаш ва муайян соҳага йўналтириш, олий таълим муассасаларидаги мутахассисликлар ҳамда ишчи касблар тўғрисида қўшимча маълумотлар, Халқ таълими вазирлиги томонидан ишлаб чиқилган электрон платформалар орқали болаларга ўзлари қизиққан касблар бўйича онлайн ўқув курсларда ўқиши учун тегишли тавсиялар бериш, технология ва информатика хоналаридан самарали фойдаланиш имкони яратилди.

“ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ БИЛАН БИРГАЛИКДА МАКТАБ БИТИРУВЧИЛАРИНИНГ КАСБГА ҚИЗИҚИШИНИ ОШИРИШ УЧУН ПРОФЕССИОНАЛ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИДА “КАСБ ВА ЁШЛАР” ОЧИҚ МУЛОҚОТ ОЙЛИГИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ВА ЎТКАЗИШ БЕЛГИЛАНДИ. ЮРТИМИЗДАГИ 270 ТА ПРОФЕССИОНАЛ ТАЪЛИМ МУАССАСАСИДА “КАСБ ВА ЁШЛАР” МУЛОҚОТ ОЙЛИГИ ЎТКАЗИЛИБ, УНГА 400 МИНГДАН ЗИЁД ЎҚУВЧИ ЖАЛБ ЭТИЛДИ.

Ўқувчиларни касбга йўналтириш жараёнида, биринчи навбатда, уларнинг қобилияти ва меҳнати жамият манфаатларига мос тарзда эътиборга олиниши лозим. Жараёнда турли соҳалар, уларни эгаллаш учун қўйиладиган талаблар, танлаган йўналиши бўйича мутахассис тайёрлайдиган муассасалар тўғрисида маълумот бериш катта аҳамиятга эга. Бу ўғил-қизларни касб танлашга онгли муносабатда бўлишга тайёрлайди.

Жиззах вилояти бандлик ва халқ таълими бошқармалари ҳамкорлигида мингга яқин мактаб битирувчиси “Ишга марҳамат” мономаркази ҳамда касб-ҳунар ўқув марказларида қизиқиши, ҳудуднинг ижтимоий имкониятидан келиб чиқиб муайян касбларга ўқитилган ва сертификат берилган. Шу билан бирга, 524 битирувчи туман (шаҳар) Аҳоли бандлигига кўмаклашиш марказлари томонидан доимий иш билан таъминланган. Қолган битирувчилар ўқишни олий таълим муассасаларида давом эттираётган бўлса-да, улар ҳам касб-ҳунарга эга. Берилган сертификатлар асосида келгусида ишлаши ҳам мумкин.

Мактаб битирувчиларига олий таълим муассасалари ҳақида кенг қамровли маълумот етказиш мақсадида сентябрь-октябрь ойларида Андижон, Наманган, Фарғона, Самарқанд, Навоий, Хоразм, Бухоро вилоятлари ҳамда Тошкент шаҳрида “My Fair” масъулияти чекланган жамияти билан ҳамкорликда халқаро кўргазмалар ташкил этилди.

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан биргаликда мактаб битирувчиларининг касбга қизиқишини ошириш учун профессионал таълим муассасаларида “Касб ва ёшлар” очиқ мулоқот ойлигини ташкил этиш ва ўтказиш белгиланди. Юртимиздаги 270 та профессионал таълим муассасасида “Касб ва ёшлар” мулоқот ойлиги ўтказилиб, унга 400 мингдан зиёд ўқувчи жалб этилди.

Ўқувчилар технология фани дарсларида меҳнатнинг ҳар хил турларига оид билимларни олиш билан бирга махсус кўникма ва малакага ҳам эга бўлади. Қобилиятини ривожлантиради, амалий машғулотда лаёқатини синаб кўради. Шу боис, касбга йўналтиришни умумтаълим мактаби фаолиятининг таркибий қисми, деб бемалол айтиш мумкин. Чунки ўқишдан мақсад инсоннинг жамиятда ўз ўрнини топиши, тирикчилиги учун зарур миқдорда даромад орттиришидир. Агар касб тўғри танланган бўлса, меҳнат эгаси учун қувонч, илҳом манбаига айланади. Бу эса инсон учун ҳам, жамият учун ҳам бирдек фойдали. Шунинг учун ўқувчиларни касбга йўналтиришга ижтимоий-педагогик масала сифатида қараш ҳар жиҳатдан тўғри.

Касбга йўналтириш тизими шахсга муайян соҳа ва унга доир зарур кўникмаларни ўрганишда ёрдам берувчи мақсад, моҳият, принцип, услуб ва воситалар бирлигидир. Бу вазифа барча ўқув-тарбия ишлари билан боғлиқ ҳолда олиб борилади. Ўқувчини у ёки бу касбга мақсадли йўналтиришдан аввал унинг шахсини ўрганиш лозим. Бунинг учун уни кузатиш (бевосита ҳамда билвосита), мактабдаги, жамоат жойларидаги, оила ва меҳнатдаги амалий ҳаракатини таҳлил қилиш, сўровнома ўтказиш, суҳбат, тест, интервью олиш мумкин. Ўғил-қизлар касблар тўғрисидаги маълумот, билимларни нафақат мактабда, балки оммавий ахборот воситалари орқали, танишлари, қариндошларидан ҳам билиб олади.

Ойдин ва равон ҳаёт йўли очилиши учун ёшлар кўп куч-ғайрат сарфлаши, энг асосийси, кўнглига ёққан, жамиятга зарур ва фойдали соҳани танлаши лозим. Шу боис, мактабни битираётган йигит-қизлар қандай касб эгаси бўлиш тўғрисида кўп ўйлайди. Мамлакатимизда эса турли касбларни эгаллаш учун барча шароит яратилган. Фақат бу имкониятлардан оқилона фойдаланиш, ҳаётда қўллаш зарур.

ҚАРОР ВА ИЖРО

БАНДЛИГИ ТАЪМИНЛАНГАН АЁЛ

турмушидан рози бўлиб яшайди

Аёлнинг бахтли бўлиши учун кўп нарса керак эмас аслида. Севган иши ёки машғулоти билан шуғулланса, меҳнатлари самарасидан наф кўриб, яхши даромад топса, энг муҳими, саломат бўлиб, оиласи, фарзандлари билан тинч-тотув ҳаёт кечирса, шунинг ўзи катта давлат. Мамлакатимизда хотин-қизларга берилаётган имкониятлар, имтиёзлардан мақсад ҳам аслида шу — нозик хилқат вакиллари ҳаётдан рози бўлиб яшашига эришиш.

Жорий йил 22 сентябрда Президентимизнинг “Хотин-қизлар бандлигини ошириш ва саломатлигини мустаҳкамлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори аёлларга кўрсатилаётган ғамхўрликнинг мантиқий давоми бўлди.

Қарорда касаначиликни ривожлантириш орқали оила даромадини ошириш, ишлаб чиқаришни янада кенгайтириш ва хизмат кўрсатишни ривожлантириш билан ишсиз аёллар сонини қисқартириш мақсадида маҳаллаларда хотин-қизларнинг бандлигини таъминлаш ва саломатлигини мустаҳкамлаш марказлари фаолиятини йўлга қўйиш вазифаси белгиланган.

Қарорга асосан, ҳудудларда ана шундай марказлар очилмоқда. Уларда касаначилик ва тикувчилик, ҳунармандлик билан шуғулланиш истагида бўлган аёлларнинг бандлиги таъминланяпти.

— Олдинлари уйда ўтирардим, — дейди Муқаддас Тўлиева. — Яқинда маҳаллада ташкил этилган марказда иш бошлаб, замонавий тикув машиналари олиб келдик. Бу ерда яхши даромад топяпмиз, рўзғоримизга барака киряпти.

Марказда оилавий тадбиркорларга ҳам кенг шароитлар яратилган. Улардан бири Азамат Тўлановга тегишли цехда спорт кийимлари тикиляпти.

— Тадбиркорлик билан шуғулланишни бошлаганимизга етти-саккиз йил бўлиб қолди, — дейди А.Тўланов. — Спорт кийимларини бичиб, маҳалладаги ишсиз аёлларга тарқатиб берамиз. Улар уйида тикиб беради. Яқинда Тошкент вилояти Янгийўл туманидаги Халқобод маҳалласи ҳудудида шундай марказ очилди.

— Янгийўл туманида 110 мингга яқин хотин-қиз яшайди, — дейди Янгийўл тумани ҳокими ўринбосари Нилуфар Нормирзаева. — Халқобод маҳалласи ҳудудида Хотин-қизларнинг бандлигини таъминлаш ва саломатлигини мустаҳкамлаш маркази очилиши аёлларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, бандлигини таъминлаш, ҳаётда ўз ўрнини топиши учун муҳим ўрин тутади. Марказдаги уч юз квадрат метр жойни тадбиркорлик қилиш истагида бўлганларга ижарага бериш орқали уларнинг яхши даромад топиши, маҳалладошларини иш билан таъминлаши учун барча шароит яратилди. Бундай марказлар келгусида туманимизнинг бошқа маҳаллаларида ҳам ташкил этилади.

Янгийўллик Нодира Ҳусанбоева тадбиркорликнинг бир нечта йўналишида фаолият юритади. Янги очилган марказда эса махсус кийим-бошлар, ҳарбийлар учун кийимлар тикишни йўлга қўйди.

— Тадбиркорлик фаолиятим, асосан, ҳарбий кийимлар тикиш билан боғлиқ, — дейди у. — Яқинда маҳалладаги марказда ҳам иш бошладим. Ўқувчиларни касб-ҳунарга ўргатяпмиз. Ўн нафар аёлнинг бандлигини таъминлашга эришдик. Бу ерда миллий либослар, бош кийимлари тикиляпти. Бундай либосларга талаб катта. Фаолиятимни янада кенгайтириб, кўпроқ хотин-қизлар бандлигини таъминлаш ниятидаман.

“ ҲАР БИР ТИКУВЧИ БИР КУНДА ТЎРТТАДАН МАХСУС КИЙИМ ТИКАДИ. КУНИГА ҚИРҚТА, БИР ОЙДА МИНГДАН ЗИЁД ҲАРБИЙ ФОРМА БУЮРТМАЧИЛАРГА ЕТКАЗИБ БЕРИЛМОҚДА.

Яқинда маҳалладаги марказда ишни йўлга қўйдик. Бу ерда тикув машиналари мавжуд. Аёллар нафақат иш ўрганяпти, балки ишлаб, даромад ҳам топяпти. Маҳсулотимиз сифати талабга жавоб беради. Келгусида Қозоғистонга экспорт қилишни режалаштирганмиз.

Марказда нафақат тадбиркорлар учун, балки хотин-қизларнинг саломатлигини мустаҳкамлаш, жисмоний-тарбия ва спорт билан мунтазам шуғулланиши учун ҳам барча шарт-шароитлар ҳозирланган.

— Аёл саломат бўлса, жамият соғлом, оилалар хотиржам бўлади, — дейди Муҳаббат Деҳқонова. — Шу боис, марказдаги махсус тренажёр залига маҳалламиз аёллари билан ҳар куни келамиз, машқ қиламиз. Бу ерда замонавий спорт жиҳозлари ўрнатилган. Жисмоний машқлар натижасида қон юришади, танамиз яйрайди, руҳиятимиз тетик бўлади. Хотин-қизлар учун яратилаётган шароитлар, кўрсатилаётган ғамхўрлик ва эътибордан миннатдормиз.

Мамлакатимизда ташкил этилаётган бундай марказлар туфайли ишсиз аёллар ишли бўляпти, бандлиги таъминланаётир. Шу билан бирга, уларнинг спорт билан мунтазам шуғулланиши учун барча қулайликлар яратилмоқда. Бу эса турмуш фаровонлигини ошириб, бахтли ҳаёт кечиришга хизмат қиляпти.

Шаҳзод ҒАФФОРОВ,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

www.yuz.uz | yuz.uznews | yuz_official | yuz.uz_news

Усмон Носир таваллудининг 110 йиллигига

УСМОНИНИ УНУТМАГАН ЮРТ

Янгибой ҚЎЧҚОРОВ,
Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими

Бошланиши 1-бетда

Анорнинг мағзи чўлда, анжирнинг мағзи кўлда тўлишади. Муҳташам миллий адабиётимизнинг бардавом карвони юксак бадиийтнинг музаффар қўнғироғини меридианлар узра чалиб, ўзининг метин сафларига янгидан-янги истеъдодларни қўшиб келмоқда. XX аср биринчи ва иккинчи чораги ўзбек поэзияси ҳам бундан мустасно эмас эди. 1927 йили қадимий ва кўркли Хўқанди латифдаги иккинчи босқичли мактаб-интернатнинг шеър ёзиб юрган 15 яшар талантли толиби Усмонжон Муҳаммадхўжа ўғли янги ҳокимият мафкураси жарчиси Ҳамза Ҳакимзода Ниёзийга “Ҳақиқат қалами” номли машқини кўрсатади. Ҳамзанинг хайрихоҳлиги туфайли шеър Ўзбекистон КП МҚ нашри бўлган “Янги йўл” журналида босилади.

Ўтган асрнинг ўнинчи йилларида туғилган ўзбек адиблари орасида Усмон Носир истеъдоди олмосдек ярқираб кўзга ташланди. Йигирманчи аср ўзбек адабиётининг сўнмас юлдузларидан бири бўлган бу фавқулодда билим, ноёб иқтидор соҳиби 1912 йилнинг 13 ноябрида қадимий ва гўзал Наманган заминида дунёга келди. Наманган улуғ шоирлардан Асириддин Ахсикатий, Бобораҳим Машраб, Фазлий, Нодир, Нодим, Шавқий, атоқли маърифатпарварлар Исҳоқхон Ибрат ва Муҳаммадшариф Сўфизоданинг олтин бешиги ҳисобланади.

1912 йил Россия империяси Туркистон губернияси аҳли учун ўта оғир келди. Мустамлакачилик кишанлари қисган элни сув тақчиллиги деган машаққат ҳам бўғди. Дон нархи осмонга кўтарилганидан ташқари ноннинг ўзини топиш мушкулотга айланди. Аммо ушбу йил Яратган халқимизга шоир Усмон Носирдек юлдузни берди.

Ҳар бир юлдузнинг ўз тақдири, ўз қисмати бўлади. Усмон Носирнинг истеъдод юлдузи чақмоқдек чарақлади. У бир неча йил ичида шеърият, драматургия, бадиий публицистика ва бадиий таржима соҳасида тоғдек юмушни уддалади. Газета ва журналлар ходимлари шеър ва мақола сўраб навқирон қалам соҳибининг кетида юрардилар. Бироқ бу бетакрор талант юлдузини тетапоя чоғидаёқ сўндирдилар.

Усмон Носир туғилган 1912 йил кўп жиҳатдан мураккаб келган эди. Россиянинг энг камбағал ҳудуди ҳисобланган Туркистон заминида, шу жумладан, Наманганда бир тишлам нонга зор одамларнинг сон-саноғи йўқ эди. Шаҳарнинг Чуқур маҳалласидаги Муҳаммадхўжа ва Холамбиби оиласида ҳам супрада увоқ ун йўқ эди. Бу ҳақда кейинчалик шоирнинг ўзи:

Уч нон уч жонга —
Бир кунлик озиқ.
Отам “оҳ” дерди:
“Шу экан ёзиқ!”
Овқатсиз очликдан
Отам оғриди.
Қўп ётолмади,
Ўлди!..

Муҳаммадхўжа оҳ торта-торта, ҳасрат ўтида ёна-ёна 1914 йили бандаликни бажо келтирди. Оташин шоир ҳаёти ва ижодининг атоқли солномачиси, академик Наим Каримов “Усмон Носир” китобида Муҳаммадхўжанинг “тўкилиб-сочилиб яшамаган бўлса ҳам хуш ахлоқи билан, хокисорлигию камтарлиги билан элга танилган” инсон эканини таъкидлайди.

Шундай оғир шароитларда Холамбиби (Хонимбиби) тўрт яшар норасидаси билан ноиложликдан Носирҳожи деган кишига турмушга чиқади. Носирҳожи қўқонлик эди. Бир вақтлар хонлик маркази бўлган Қўқонда 5 минг дўкон бор эди. Лекин бирортасида нон етарли эмас эди. Жадидлар йўлбошчиси, муфтий Маҳмудхўжа Беҳбудий ҳазратлари 1917 йилнинг 26 сентябрида “Ҳуррият” газетасининг 41-сонида “Аччиғ ҳақиқат ва очлиқ кўз олдимиздадир. Омонсиз қиш ва оч баҳор яна олдимиздадир”, деб ёзди. Муфтий ҳазратларининг сўзлари ҳар бир ҳарфигача тўғри бўлиб чиқди: Қўқонда тикилган Туркистон мухторияти байроғи атиги 72 кун ҳилпиради — большовой жаллодлар ва қаттол дашноқлар шу байроққа қўшиб қадимий Қўқонни, нафис адабиёт ва нафис маданият қалъасини ёқиб юбордилар. Уч юз йил давомида ҳазрати инсоннинг гул қўли билан ғиштма-ғишт, ганчма-ганч, кошинма-кошин қурилган гўзал шаҳар уч кун олов ичида қолди. 10 минг бегуноҳ жон шаҳид бўлди. Култепалар устида қузғунлар учди. Усмон Носир норасида чоғидаги ўша қирғинбаротни хотирасида тиклаб, кейинчалик бундай ёзган эди:

Бузилмаган уй қолмаган,
Отилмаган жон.
Куйиб тамом бўлган
Ҳамма хонадон.

Бу кун, яъни 1918 йилнинг 20 феврали Туркистон халқлари тарихининг энг қора кунларидан бири бўлди. “Улуғ Туркистон” газетасининг навбатдаги сонида Хўқанди латифни “ўликлар шаҳри” деб атади. Бу муболаға эмас эди. Бўлғуси шоир, онаси ва ўғай отаси Носирҳожи Муҳаммадсодиқов яшаётган Наманганда ҳам турмуш тошдан оғир эди. “Улуғ Туркистон” газетасининг 1918 йилги 55-сонида фаол мухбир, хаёлида “Ўткан кунлар” хамиртурушини пишитиб юрган Абдулла Қодирий Наманганда О. исмли одам, хотини ва 4 ўғли очликдан шишиб ўлганини, Тўрақўрғон, Қўрғонча, Яндама, Мозоркўй, Эскиобод, Қумбой қишлоқлари кўчаларида очлик қурбонлари қалашиб ётганини ёзади ва чин мусулмон сифатида *“Жаноби Ҳақ шундай элларга барокот юборсун эди, деб дуо қиламиз”,* дейди.

Носирҳожи жони ва қони билан асл қўқонлик эди. 1918 йил баҳорида оиласи билан Қўқонга қайтиб, бор сармоясини ўз уйи, ўз кўчаси, ўз шаҳрини қайта тиклашга қўшди. Уйига култепалар оралаб қайтган ҳожи аламини уйдагилардан, кўпинча олти яшар Усмондан олар эди:

Отам ўлди, мен сарсон бўлдим,
“Шум етим!” деб сўкдилар мени.

Бир куни ҳожи намоз ўқигани масжидга чиқиб кетганида болакай онасидан “Ҳақиқий отам менга бир нарса деб кетганмиди?” деб сўрайди. Хонимбиби кўзларида шашқатор ёш билан “Косиб даданг сенга илм олишни васият қилган эдилар!” деди. Шу-шу Усмон умрининг сўнгги кунигача, мактабдами, кўчадами, сафардами, поезддами, пароходдами, қамоқдами, илмга, китобга интилди, китоб ёзди, китоб ўқиди. Ўгай ота Носирҳожи Муҳаммадсодиқов жаҳлдор



бўлгани билан бир йигит қирқ йилда бино бўлишини англаган ақлли одам эди. 1920 йили у Усмонни Қўқондаги 1-босқич мактабга берди. Ўшанда улар Қўқоннинг Ғишткўприк маҳалласи Бешариқ кўчасида истиқомат қилардилар. Кейин Қўқон интернатида ўқиди. Интернат директори Шариф Ризо бўлиб, бўлғуси халқ шоири Собир Абдулла ўқитувчи эди. У пайтлари Қўқонда футбол ўйини оммалашганди. Йиллар ўтгач, академик Т.Саримсоқов ўсмир пайти Усмон билан кўп марта тўп тепганини, шоир юксак маҳорат билан ўйнаганини, рақиб дарвозасига чиройли голлар урганини эслаганди. У чоғ Усмон интернат ёшлар ячейкаси котиби бўлган.

Усмоннинг болалиги ва ўсмирлиги лоақал шиор ва чақириқларга кўра бўлса ҳам янги даврга тўғри келди. У “Янги ҳаёт” мактабида ўқиди. Янги имло ва янги алифбони ўрганди. Янги театрда пьесалар, янги томошагоҳларда янги фильмлар кўрди. Илк шеъри ҳам “Янги йўл” нашрида юзага чиқди. Биринчи шеър-



ларида янги индустрлаштириш, янги колхозлаштириш, янги электрлаштириш улуғланди. 1929 йили мактабни тугатиб, қўқонликлар, умуман, туркистонликлар учун янги бўлган соҳани танлаб, дўсти Темур Фаттоҳ билан Москва кинематография ўқув юртига ўқишга кирди. Айнан ўша ерда Усмон Носир енгини шимариб “Зафар” драмасини ёзди. Кейинги 1930 йили “Назиржон Халилов”, 1931 йили “Душман”, 1932 йили “Сўнгги кун” драмаларини ёзиб тугатди. “Зафар” драмаси тайёр бўлганида Ҳамза бу оламда йўқ эди. Мабодо улуғ устоз топилса, Усмон Носир “ўзбек Шекспири” деб ном олган бўлармиди?

Биз бугунги кунда Усмон Носир таржимаи ҳолини синчиклаб ўрганишга киришдик. Аввалги китоблар ва мақолалар муаллифларидан узр сўраган ҳолда таъкидламоқчимизки, Усмон Носир ва Темур Фаттоҳ ўқишга кирган 1929 йилда Москвада фақат давлат кинематография техникуми бўлиб, у Ленинград шоссесидаги “Яр” ресторани биносида жойлашган эди. 1930 йилнинг 5 августида техникум негизида давлат кинематография институти таъсис этилиб, Э.Тиссэ ва С.Эйзенштейндек даҳо устозлар таълим берган. Афсуски, бу пайтга келиб, Усмонда бу ерда таҳсил олиш истаги сўна бошлаганди. У кўпроқ кинематография эмас, поэзияга талпинди. Кинематография техникумида ўқиганида орттирган бош бисоти ўша кунларнинг машҳур шоири Муса Жалил билан учрашгани эди. Улуғ татар шоири билан учрашув уни бутунлай шеърнинг мафтунига айлантирди:

Юрагимнинг дарди — нақшисан,
Қилолмайман сени ҳеч канда!
Ўт бўлурми ишқи йўқ танда?
Дардимсанки, шеърим яхшисан.

Сен орада кўприк бўлдинг-да,
Гейне билан ўртоқ тутиндим.
Лермонтовдан кўмак ўтиндим.
Бутун умрим сенинг бўйингда.

Шу тариқа унинг бутун умри шеърнинг гарданига тушди. 1931 йили “Янги Фарғона” газетасида ўтли юрак соҳибининг “Норбўта” достони эълон қилинди. Бу исёнкор руҳдаги асар эди. Чунки у Ленинград сафари ва Москва таҳсили чоғи қатор рус шоирлари, жумладан, Владимир Нарбут бошига тушган тазйиқларни ўз кўзи билан кўрган эди. С.Есенининг фожиали ўлими, В.Маяковскийнинг юрагига қадалган ўқ, Марина Цветаеванинг ўзини осиши, Паоло Яшвилининг ўзини ўзи оғзидан отиши “Норбўта”нинг муаллифини теран ўйга солмаслиги мумкин эмас эди. Қуйидаги сатрлар бежиз туғилган эмас:

Жим!.. Уфқдан ботар қуёшни
Шарт кесилган бошга ўхшатдим.
Парча-парча куйган шафақлар
Тирқираган қонни эслатди!
Қандай қўрқинч! Қандай қабоҳат!
Мумкин эмас ҳеч қийналмасдан!
Ақлидан озганми муҳаббат?
Мумкин эмас, қарши турмасдан!
Мумкин эмас, эй, олий жаноб,
Неча юракни айлаб хароб.
Шоҳона тож кийган муҳаббат,
Мумкин эмас! Қандай қабоҳат.

Ёш Усмон бутун шуурини ишга солиб билим олишга шўнғиди. У кунлари бутуниттифоқ ёшлари М.Ломоносов номидаги Москва давлат университетига, Ўзбекистон навқирон авлоди пойтахт Самарқанддаги Педагогика академиясига интилар эди. Академияда халқимизнинг атоқли адибларидан Ҳ.Олимжон, Уйғун, О.Собирова, Миртемир, А.Умарий, Ҳ.Пўлат, Ш.Рашидов, А.Ҳамдам, Ў.Рашид, Ш.Саъдулла, Р.Узоқова ва бошқалар билан бирга Усмон Носир аъло баҳоларга ўқиди, тўрт йиллик таҳсилни экстерн йўли билан якунлади. У чоғлари олий ўқув юрти А.Икромов номида эди.

Яна ўша фикримизга қайтамиз: Усмон Носир худди Ғафур Ғулом, худди Ҳамид Олимжон, худди Ғайратий каби шўро тузуми янгиликларини шеърга солди. Бундай манзумалар 1932 йили чоп этилган “Қуёш билан суҳбат” ва “Сафарбар сатрлар”, айниқса, 1934 йили босилган “Трактор-обод” тўпламларида анчагина. “Тожихон” ва “Исроил” шеърлари бу хулосага мисол бўла олади. Аммо у 1934 йили китобхонларга туҳфа қилган “Нахшон” достони, бир йилдан кейин битган “Атлас” драмаси, 1935 йили эълон қилган “Юрак” ва

> **“УСМОН НОСИР ДАСТЛАБ УЮШМАДАН ЎЧИРИЛГАНИДА “ПРОФЕССОР Ю.НИ СЎКДИ”, ДЕГАН АЙБ ҚЎЙИЛГАН ЭДИ. НАВБАТДАГИ ПРОТОКОЛ УЧУН ҲАМ ҲАР ХИЛ АЙБЛОВЛАР ТЎҚИБ-БИЧИЛАДИ, АЛБАТТА. БУ БАЁННОМА ТУЗИЛГАНИДАН ИККИ КУН ЎТГАЧ, ЯЪНИ 1937 ЙИЛ 14 ИЮЛДА УСМОН НОСИР “ХАЛҚ ДУШМАНИ” АЙБЛОВИ БИЛАН ҲИБСГА ОЛИНАДИ. ШОИР 1937 ЙИЛ 5 ДЕКАБРДА ТОШКЕНТДАГИ “АЛЕКСЕЕВКА” ҚАМОҚХОНАСИГА ЎТКАЗИЛИБ, 1938 ЙИЛНИНГ 5 ОКТЯБРИДА УНГА НИСБАТАН 10 ЙИЛ ҚАМОҚ ЖАЗОСИ ТАЙИНЛАНГАНИ,1939 ЙИЛ 14 ЯНВАРЬ КУНИ ЧЕЛЯБИНСК ВИЛОЯТИДАГИ ЗЛАТОУСТ, 1939 ЙИЛНИНГ 2 ИЮЛИДА ВЛАДИВОСТОК, 1939 ЙИЛНИНГ 22 ИЮЛИДА МАГАДАН ҚАМОҚХОНАСИГА ЮБОРИЛГАНИ МАЪЛУМ. МАГАДАНДА У “ХАЛҚЛАР ОТАСИ” СТАЛИНГА МАКТУБ ЁЗАДИ.**

1936 йили чиққан “Меҳрим” тўпламларида устозлари Абдулҳамид Чўлпон ва Абдулла Алавий йўлидан борди, бутун инсоният тарихи ва тақдирини тўғри англади:

Сариқ қумлар орасидан
қон рангли қуёш —
Кўтарилар. Нил оқадир —
қуллар тўккан ёш...
... Озодлигим обидасин
курган инсонман!
Ўша жонман,
ўша қонман ва ўша шонман!

Ноёб истеъдоди, туғма иқтидори, теран билими, айниқса, рус тилини пухта ўрганган, қисқа муддат ичида профессионал адибга айланган боис, Усмон Носир тезда юртнинг, иттифоқ ва республика ёзувчилар уюшмалари раҳбариятининг назарига тушди. 1934 йилда СССР Ёзувчилари уюшмасига аъзо бўлиш билан бирга, ташкилотнинг Москвада ўтказилган биринчи қурултойида Р.Мажидий, С.Айний, Ғ.Ғулом, Н.Сафаров, Ҳ.Шамс, С.Холдорова, А.Бегимов, И.Фозилов ва бошқалар билан бирга қатнашди. Бироқ кўп ўтмай, яъни 1934 йилнинг декабрида уюшма сафидан чиқарилди. У 1935 йили Қўқонда “Янги Фарғона”, Тошкентда “Ёш ленинчи” газеталари таҳририятларига ишга кирди. Биз “Ёш ленинчи” газетасининг 1935 йилги сонларини варақладик. Уларда Насрулло Охундий, Расул Муҳаммадий, Темур Фаттоҳ, Амин Умарий, Холбек Ёдгоров, Йўлдош Шамшаров ва бошқалар қатори мухбир Усмон Носирнинг мақолаларини ўқидик. Айниқса, унинг Чирчиқдаги долзарб қурилишлардан ёзган очерклар туркуми ўзбек бадиий публицистикасининг олтин саҳифаларидир. Бетиним ижод ва газетада ишлаш билан бирга шоир адабий муҳит қозонида қайнади. Аммо бунинг икки томони бор эди. Адабий давраларда шоир тобланарди. Иккинчи томондан, Инжиқобод мавзеси, кейинги даврда “Қозоғистон” кинотеатри томон, ёинки “Марказ-5” даҳасидаги Ёзувчилар боғидаги гурунгларнинг мағзи дарҳол НКВДга, жаллод Апресянга етказилар эди. Бу ерда навқирон шоир А.Қодирий, А.Чўлпон, Ғ.Ғулом билан кўп бора чой ичган. Табиийки, уларнинг ҳар бир сўзи оқизилмай-томизилмай ОГПУ “досье”ларига “муҳрланар” эди. Устига устак, шоир саёҳатни хуш кўрар, Волга бўйларидан бошлаб то Мурманскқача бориб, Оқ денгизни ўз кўзи билан кўриб келган эди:

Волга! Волга! Оч Руснинг ёши,
Волга! Волга! Фиғонли дарё.
Қуёш гўё Разиннинг боши...

1936 йилда илғор ўзбек адиблари Пушкин асарлари таржимасига жалб этилди. Хусусан, Ойбек “Евгений Онегин”, Усмон Носир “Боғчасарой фаввораси” таржимасига киришди. Навқирон Усмон кечаю кундуз ижод қилди. Кириб келган янги 1936 йил билаги кучга, юраги шеърга тўлган давр эди. “Қизил Ўзбекистон” газетасининг 3 январь 2-сонида Усмон Носирнинг дил сўзлари берилди. У большовойлар доҳийси ҳақидаги поэмасини, А.Пушкиннинг “Боғчасарой фаввораси”, М.Лермонтовнинг “Иблис” достонлари таржимасини завқ-шавқ билан битирганини, ўзбек ёзувчилари учун зўр шароитлар яратилганини таъкидлайди. Сўнгги жумлаларни Усмон Носирнинг ўзи ёздими ё таҳририят қўшдими, мақтов мойдек ёқиб, шоир уюшмага қайта тикланади ва ўша газетанинг 27 январь кунги 21-сонида ўша куни “кечқурун соат 7 да Ўзбекистон совет ёзувчилари союзи республика қўмитасида ўртоқ Усмон Носирнинг ижодий кечаси ўтказилиши, ўртоқ Уйғун доклад қилиши, кейин шоир ўз шеърларидан ўқиб бериши” кўрсатилади. Шоир ижодининг 10 йиллиги шу қадар юксак мақомда нишонланади. У 1937 йилнинг май ойида Москвада ўтган адабиёт ўн кунлигида қатнашади. Тез орада шоир учун ойнинг қоронғу кунлари бошланиб, 1937 йилнинг 12 июлида уюшмадан чиқарилади.

Усмон Носир дастлаб уюшмадан ўчирилганида “профессор Ю.ни сўкди”, деган айб қўйилган эди. Навбатдаги протокол учун ҳам ҳар хил айбловлар тўқиб-бичилади, албатта. Бу баённома тузилганидан икки кун ўтгач, яъни 1937 йил 14 июлда Усмон Носир “халқ душмани” айблови билан ҳибсга олинади. Шоир 1937 йил 5 декабрда Тошкентдаги “Алексеевка” қамоқхонасига ўтказилиб, 1938 йилнинг 5 октябрида унга нисбатан 10 йил қамоқ жазоси тайинланган,1939 йил 14 январь куни Челябинск вилоятидаги Златоуст, 1939 йилнинг 2 июлида Владивосток, 1939 йилнинг 22 июлида Магадан қамоқхонасига юборилгани маълум. Магаданда у “халқлар отаси” Сталинга мактуб ёзади. Хатда, жумладан, бундай сатрлар бор:

“... Мен ёш, ижодий кучга тўламан! Мен халқ душманлари туҳматига қолдим! Ҳеч қандай сабабсиз, айбсиз ҳолда қамоқдаман! Мен ҳаётга қайтишим, Буюк Ватаннинг тўла ҳуқуқли фуқароси бўлишим керак! Сиздан ёрдам сўрайман. (имзо) 1940 йил, 20 август. Жазони ижро этиш жойи: Хабаровск ўлкасининг Магадан шаҳри.

Сталин аҳмоқ эмас эди. Қачонлардир бу хат ўз шаънига тамға бўлиб босилишини ўйлаб, унинг нусхасини чора кўриш учун Ўзбекистон КП МҚ биринчи котиби У.Юсуповга жўнатади. Хат узоқ йўл босиб Тошкентга етади. Усмон отанинг буйруғига кўра, С.Ражабов, А.Боровков, М.Шайхзодадан иборат комиссия тузилади. 1944 йил август ойи ниҳоясида комиссиянинг шоирнинг беайблиги тўғрисидаги хулосаси қоғозга муҳрланади. Аммо 1941 йилнинг 31 октябрида Кемерово вилояти Мариинск қамоқхонасига ўтказилган Усмон Носир 1944 йилнинг 9 март куни соат 14 да узоқ давом этган касаллик ва уқубатлар асорати боис, вафот этди. Қамоқхоналарда бир шеърий роман, бир неча пьеса, бир неча шеърий туркумларни ёддан ёзган “ўзбек Пушкини”нинг жонсиз тани Мариинск ўрмонлари бағрида қолиб кетди. Бағри фарзанд доғидан куйиб кул бўлган онаси Холамбиби узоқ йиллар ўғлининг йўлларига кўз тика-тика, дарё-дарё кўз ёшларини тўка-тўка кўкрагида зилдек армон билан оламдан ўтди. Сўнгги онларида яқинларига “Усмоним ўлган бўлса, қабридан бир сиқим тупроқ олиб келиб, юрт тупроғига қўшинглар!” деб пичирлади. Невараси Нодира Рашидова адоқсиз ғам оғушида қовирилган бувисига “Васиятингизни бажарамиз!” деб ваъда берди. Қизининг эри, ўғлининг шогирди, шоир ва олим Ўткир Рашид ҳам кўзларида шашқатор ёшлар билан бу гапларни тасдиқлади.

Ўзбекистон Усмонини унутмади. 1986 йилнинг октябрида Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси раиси, ажойиб ижодкор, ажойиб инсон, атоқли давлат арбоби Ўлмас Умарбеков шоирнинг жияни, ижодкор Нодира Рашидованинг атоқли сўз устаси мангу қўним топган замин — Россиянинг Кемерово вилоятига сафарга боришига кўмаклашди. 1987 йилнинг июлида Нодира Ўткир қизи ҳамкасби, таниқли шоира Мукаррама Муродова билан яна Мариинск туманига бориб, шоирнинг Суслово (Первомайское) қишлоғидаги қабрига ёдгорлик лавҳаси ўрнатди. 1988 йил июлда таниқли ўзбек адиблари Ҳожиакбар Шайхов, Усмон Азим, Муҳаммад Юсуф, Нодира Рашидова ва адабиётшунос Наим Каримовдан иборат делегация Мариинскдаги қабристонни зиёрат қилдилар. Ниҳоят, 1988 йилнинг 20 сентябрида Усмон Носир қабридан келтирилган табаррук тупроқ Тошкентдаги Чиғатой хилхонасига, ўз сафдошлари Ғафур Ғулом, Ойбек, Ҳамид Олимжон, Зулфия, Шайхзода, Миртемир мангу ором олаётган муқаддас маконга қўйилди. Холамбибининг васияти бажарилди. 1959, 1965, 1969, 1984, 1988 йиллари шоирнинг китоблари кўп минг нусхада чоп этилди.

Президентимизнинг “Оташин шоир, таржимон ва драматург Усмон Носир таваллудининг 110 йиллигини кенг нишонлаш тўғрисида”ги қарори эса адабий-ижтимоий ҳаётимизда том маънода катта тарихий воқеа бўлди. Зеро, шу кунгача шоир ҳаёти ва ижодини ўрганишга бу қадар улкан эътибор берилмаган эди. Ҳа, Ўзбекистон Усмонини унутмайди.

“Янги Ўзбекистон” ва “Правда Востока” газеталари таҳририяти” ДУК

МУАССИС:
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир:
Салим ДОНИЁРОВ

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.
Газета таҳририят компьютер марказида саҳифаланди.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “ШАРҚ” НМАК масъул.
Босмахона телефони: (71) 233-11-07

Девонхона: (0-371) 233-70-98 Котибият: (0-371) 233-56-60 Эълонлар: (0-371) 233-57-15 E-mail: info@yuz.uz

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган.
Нашр индекси — 236. **Буюртма** Г-1264.
80849 нусхада босилди.
Ҳажми — 3 табоқ. Офсет усулида босилган. **Қоғоз бичими** А2.
Баҳоси келишилган нархда.

“ШАРҚ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.
Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Навбатчи муҳаррир: Муножат Мўминова
Мусаҳҳиҳ: Малоҳат Мингбоева
Дизайнер: Зафар Рўзиев

Манзилимиз:
100029, Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй

ЎзА якуни — 21:40 Топширилди — 23:05